Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти

Шиналарни ғилдирашда чиқарадиган шовқини ва уларни ҳўл қопламаларда илашиши бўйича расмий тасдиқлашга тааллуқли бир хил кўрсатмалар

Расмий нашр

Государственный стандарт Республики Узбекистан

Единообразные предписания, касающиеся официального утверждения шин в отношении звука, издаваемого ими при качении, и их сцепления на мокрых поверхностях

Издание официальное

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Государственный стандарт Республики Узбекистан

Шиналарни ғилдирашда чиқарадиган шовқини ва уларни ҳўл қопламаларда илашиши бўйича расмий тасдиқлашга тааллуқли бир хил кўрсатмалар

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Сўзбоши

1 Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ва КИРИТИЛДИ

2 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) нинг 26.12.2017 йил 05-913 -сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ.

3 ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ушбу стандарт БМТ ЕИКнинг 117-сонли Қоидалари (E/ECE/324 - E/ECE/TRANS/505/ Rev.2/Add.116/Rev.1 ҳужжат) «Шиналарни ғилдиращда чиқарадиган шовқини ва уларни ҳўл қопламаларда илашиши бўйича расмий тасдиқлашга тааллуқли бир хил кўрсатмалар» стандартига айнан ўхшаш бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

15 июль 2005 йилдаги C.N. 557.2005. TREATIES-16 депозитария хабарномасида кўрсатилган Қоидаларнинг дастлабки вариантига 1-Ўзгартириш

1 август 2006 йилдаги C.N. 583.2006. TREATIES-1 депозитария хабарномасида кўрсатилган Қоидаларнинг дастлабки вариантига 2-Ўзгартириш

01 серияли тузатишлар - кучга кириш санаси: 2 февраль 2007 йил

9 май 2007 йилдаги C.N. 554.2007. TREATIES-1 депозитария хабарномасида кўрсатилган 01 серияли тузатишларга 1-Ўзгартириш

Ушбу стандартни ва унинг ўзгартишларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий этиш (амалини бекор қилиш) ҳақидаги ахборот Ўзстандарт Агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда чоп этилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Ушбу стандарт "Ўзстандарт" агентлиги рухсатисиз расмий нашр сифатида тўлиқ ёки қисман қайта чоп этилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас

Мундарижа

1. Қўлланиш соҳаси 1

2. Таърифлар 2

3. Расмий тасдиқлаш учун талабнома 5

4. Тамғалаш 7

5. Расмий тасдиқлаш 8

6. Техник талаблар 10

7. Пневматик шина турини ўзгартириш ва расмий тасдиқни жорий қилиш 11

8. Ишлаб чиқаришнинг мувофиқлиги 12

9. Ишлаб чиқаришнинг номувофиқлиги учун қўйиладиган санкциялар 13

10. Ишлаб чиқаришни тўлиқ тўхтатиш 13

11. Расмий тасдиқлаш учун синовлар ўтказишга ваколатланган техник хизматларнинг ва маъмурий органларнинг номлари ва манзиллари 13

12. Жорий қилиш қоидалари 14

ИЛОВАЛАР

1-Илова: 117-сонли Қоидалар асосида “ғилдираш вақтида чиқадиган товуш” ва ҳўл юзаларда илашиш кўрсаткичлари”га нисбатан шина турига тегишли Расмий тасдиқланишни тақдим қилиш, расмий тасдиқлашни жорий қилиш, расмий тасдиқлашни рад этиш, расмий тасдиқлашни бекор қилиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ тўхтатиш тўғрисида хабар

2-Илова: Расмий тасдиқлаш белгиларининг схемалари

2-илова – 1-қўшимча: 30 ёки 54-сонли қоидалар асосидаги расмий тасдиқлаш билан тўғри келган 117-сонли қоидалар асосидаги расмий тасдиқлаш

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2-илова – 2-қўшимча: 117, 30 ёки 54-сонли қоидалар асосида тақдим этилган расмий тасдиқларни бирлаштириш мақсадида жорий қилиш

3-Илова: Транспорт воситасининг думалаб ғилдираши, ҳаракатланиши вақтида шинанинг чиқарадиган товуши даражасини ўлчаш учун синов усули

3-Илова – Қўшимча: Синов баённомаси

4-Илова: Синов майдонига доир техник талаблар

5 -Илова: Ҳўл қопламалар билан илашиш кўрсаткичларини ўлчаш учун синов тартиб-таомиллари

5-илова – 1-қўшимча: Синов баённомаси

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти

Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими

Шиналарни ғилдирашда чиқарадиган шовқини ва уларни ҳўл қопламаларда илашиши бўйича расмий тасдиқлашга тааллуқли бир хил кўрсатмалар

Государственная система стандартизации Республики Узбекистан

Единообразные предписания, касающиеся официального утверждения шин в отношении звука, издаваемого ими при качении, и их сцепления на мокрых поверхностях

State standardization system of Uzbekistan

Uniform provisions concerning the approval of tyres with regard to rolling sound emissions and/or to adhesion on wet surfaces and/or to rolling resistance

Жорий этиш санаси «01» 02. 2018

1 ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ

1.1 Ушбу қоидалар шиналарнинг чиқарадиган товушига нисбатан шиналарга, ҳамда ҳўл юзаларда илашиш (ҳўл йўл қопламаси билан илашиш) тавсифларига нисбатан N_1, O_1 или O_2[1] тоифадаги транспорт воситалари учун мўлжалланган C1 синфидаги шиналарга доир қўлланилади:

1.1.1 “вақтинча қўлланадиган заҳирадаги шина” сифатида ишлатишга мўлжалланган ва "Temporary use only" (“фақат вактинчалик ишлатиш учун”) тамғаланишига эга бўлган шиналар;

1.1.2 тўғин номинал диаметрининг коди ≤ 10 (ёки ≤ 254 мм) ёки ≥ 25 (ёки ≥ 635 мм) бўлган шиналар;

1.1.3 мусобақалар учун мўлжалланган шиналар;

[1]Транспорт воситалар конструкцияси тўғрисидаги йиғма резолюциядаги (CP.3) 7-иловада келтирилган таърифларга биноан (Amend.4 асосида киритилган тузатишлар билан TRANS/WP.29/78/Rev.1/Amend.2 ҳужжати).

O'ZSTANDART AGENTLIGI
6366
26 12 2017 yilda

1.1.4 M, N ва O тоифасига кирмайдиган механик транспорт воситаларида ўрнатиш учун мўлжалланган шиналар;

1.1.5 юриш сифатларини яхшилаш учун қўшимча мосламалар билан жиҳозланган шиналар (масалан, шипли шиналар);

1.1.6 80 км/с (F) дан кам тезликка мўлжалланган шиналар.

1.2 Келишаётган томонлар агар Бирлашган Миллатлар Ташкилот Бош котибига ғилдираш вақтида чиқадиган фақат товушга нисбатан мавжуд бўлган вариантни афзал кўришлари тўғрисида хабар бермасалар, ғилдираш вақтида чиқадиган товуш ва ҳўл йўл қопламаси билан илашишга нисбатан расмий тасдиқ берадилар ёки қабул қиладилар. Бундай хабарнома 1958 йилдаги Келишувнинг (E/ECE/TRANS/505/Rev.2) 1-моддаси 6 ва 7-бандларида назарда тутилган вақт шкаласига мувофиқ кучга киради.

2. ТАЪРИФ

Ушбу Қоидаларнинг мақсадлари учун ЕИҚнинг 30 ва 54 – сонли Қоидалардаги таърифларга қўшимча равишда қуйида келтирилган таърифлар қўлланилади.

2.1 Ушбу қоидалар матнидаги “Шина тури” таърифи қуйидаги мухим аспектларда ўзаро фарқланмайдиган шинанинг ўлчамлари, фабрика тамғаси ва савдо белгиси каби белгиланишлар рўйхатига эга бўлган бир қатор шиналарни англатади:

a) ишлаб чиқарувчи-завод номи;

b) шина синф (2.4 бандга қаранг);

c) шинанинг тузилиши;

d) фойдаланиш тоифаси: оддий шина, махсус мўлжалланган шина ва қишки шина;

e) C 1 синфидаги шиналар учун;

i) шиналар ғилдираши вақтида чиқарадиган товуш даражасига, улар оддий ёки кучайтирилганига (ёки оширилган кўтариб туриш қобилияти) қарамасдан, нисбатан расмий тасдиқлашга тақдим қилинган шиналарда;

ii) шинлар оддий ёки тезлик тоифаси Q (160 км/с) дан юқори бўлмаган ё тезлик тоифаси R, шу жумладан H (≥ 170 км/с) дан [illegible] шига қарамасдан.

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ҳўл юзаларда илашиш тавсифига нисбатан расмий тасдиқлашга тақдим этилган шиналарда;

f) протектор расми (3.2.1 бандга қаранг).

2.2 "Фабрика тамғаси" ёки "савдо белгиси" шинани ишлаб чиқарувчи-завод томонидан берилган шинанинг белгиланишини билдиради. Фабрика тамғаси ишлаб чиқарувчи-завод номига мос келиши, савдо белгиси эса савдо тамғаси билан тўғри келиши мумкин.

2.3 "Ғилдираш вақтида чиқарадиган товуш" ғилдираётган шиналарнинг йўл қопламаси билан бир-бирига тегиши вақтида юзага келадиган товушини англатади.

2.4 "Шина синфи" қуйидаги гуруҳлардан бирини англатади:

2.4.1 C1 синфидаги шиналар: ЕЭКнинг 30-сонли Қоидаларига мувофик келадиган шиналар;

2.4.2 C2 синфидаги шиналар: ЕЭКнинг 54-сонли Қоидаларига мувофиқ бўлган ва битталик шина учун 121 дан юқори бўлмаган кўтариб туриш қобилияти индексига ва "N" дан паст бўлмаган тезлик тоифаси белгиланишига эга бўлган шиналар;

2.4.3 C3 синфидаги шиналар: ЕЭКнинг 54-сонли Қоидаларига мувофиқ бўлган ва қуйидагиларга эга бўлган шиналар:

a) битталик шина учун 122 дан паст бўлмаган кўтариб туриш қобилияти индексига ёки

b) битталик шина учун 121 дан юқори бўлмаган кўтариб туриш қобилияти индексига ва "M" дан юқори бўлмаган тезлик тоифаси белгиланиши.

2.5 "Намунали шина ўлчами" ғилдираш вақтида чиқарадиган товушга нисбатан ушбу Қоидаларнинг 3-иловасида ва шина турини расмий тасдиқлаш мақсадида мувофиқликни баҳолаш учун ҳўл юзаларда илашишга нисбатан 5-иловада баён этилган синовларни ўтказиш учун тақдим этилган шина ўлчамини билдиради.

2.6 "Вақтинча фойдаланиш учун заҳира шинаси" нормал ҳаракатланиш шароитида ҳар қандай транспорт воситасига ўрнатиш учун мўлжалланган шинадан фарқ қиладиган ва чегараланган ҳаракатланиш шартларида вақтинчали фойдаланиш учун мўлжалланган шинани билдиради.

2.7 "Мусобақалар учун мўлжалланган шиналар" фақат автомобиль спорти мусобақаларида иштирок этадиган транспорт воситаларига ўрнатиш учун мўлжалланган

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ва мусобақалар ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган йўл шароитларида фойдаланишга мўлжалланмаган шиналарни билдиради.

2.8 "Оддий шина" йўлларда оддий кундалик равишда ишлатиш учун мўлжалланган шиналарни билдиради.

2.9 "Махсус мўлжалланган шина" ҳам йўлларда, ҳам йўллардан ташқарида аралаш фойдаланиш учун ёки бошқа махсус фойдаланиш учун мўлжалланган шинани билдиради.

2.10 "Қишки шина" транспорт воситасини ҳаракатга келтириш ёки уни ҳаракатда кўтариб туриш қобилиятига тегишли бўлган, оддий шинага қараганда энг аввало қорда юқорироқ кўрсаткичларни таъминлаш учун протектор расми, протектор материали ёки конструкцияси мўлжалланган шинани билдиради.

2.11 "Ҳўл юзаларда илашиш" потенциал шина билан жиҳозланган ҳўл юзада синалаётган транспорт воситасининг дастлабки шинали ушбу транспорт воситасининг (СДСШ) тавсифи билан солиштирилгандаги нисбий тормоз тавсифини билдиради.

2.12 "Синалаётган дастлабки стандарт шина (СДСШ)" Америка синовлар ва материаллар бўйича жамиятининг (АСТМ) Е 1136-93 стандартига (1998 йилда қайта маъқулланган) мувофиқ тайёрланадиган, текшириладиган ва сақланадиган шинани билдиради.

2.13 "Потенциал шина" ушбу Қоидаларга мувофиқ расмий тасдиқлашга берилган турни тақдим этувчи шинани билдиради.

2.14 "Назорат шинаси" ўз ўлчамларига биноан синалаётган дастлабки стандарт шина сифатида ушбу транспорт воситасида ўрнатила олинмайдиган, ҳўл йўл қопламаси билан шиналарнинг илашиш тавсифларини аниқлаш учун фойдаланиладиган серияли ишлаб чиқариладиган шинани билдиради (ушбу Қоидаларнинг 5-илова 2.2.2.16-бандиган қ.).

2.15 "Ҳўл йўл қопламаси билан шинанинг илашиш коэффициенти ("G")" потенциал шина тавсифлари ва синалаётган дастлабки стандарт шина тавсифларининг ўзаро нисбатини билдиради.

2.16 "Тормоз кучининг чўққи коэффициенти ("pbfc")" тормозлашиш кучи ва тўлиқ тормозлашгунча шинага вертикал юклама нисбатининг максимал қийматини билдиради.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.17 "Ўртача барқарор секинлашиш ("mfdd")" иккита кўрсатиб ўтилган тезлик қийматлари орасидаги вақтда секинлашувчи транспорт воситаси томонидан ўтилган ўлчанган масофани ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган ўртача секинлашишни билдиради.

2.18 "Тиркагич баландлиги (тиркаш асбобининг)" шатакка олувчи транспорт воситаси ва тиркама тиркалганда, тиркаш қурилмасининг уланиш нуқтаси ёки тиркаманинг тиркаш асбоби марказидан ергача перпендикуляр ўлчанадиган баландликни билдиради. Транспорт воситаси ва тиркама синаш режимида горизонтал юзада жойлашган бўлиши ва муайян синовда фойдаланиш учун мўлжалланган мос шина (шиналар) билан жиҳозланган бўлиши керак.

3. РАСМИЙ ТАСДИҚЛАШ УЧУН ТАЛАБНОМА

3.1 Ушбу қоидаларга биноан шина турини расмий тасдиқлашга талабнома шинани ишлаб чиқарувчи-завод ёки унинг тегишли тарзда ваколатланган вакили томонидан берилади. Талабномада қуйидаглар кўрсатиб ўтилади:

3.1.1 Шина турини аниқлаш мақсадида баҳоланиши зарур бўлган эксплуатация тавсифлари; "ғилдираш вақтида чиқарадиган товуш даражаси" ёки "ҳўл қопламаларда илашиш самарадорлиги ва ғилдираш вақтида чиқарадиган товуш даражаси";

3.1.2 ишлаб чиқарувчи-завод номи;

3.1.3 талабнома берувчининг номи ва манзили;

3.1.4 ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхона (корхоналар) манзили (манзиллари);

3.1.5 фабрика тамғаси (тамғалари), савдо белгиси (белгилари), савдо тамғаси (тамғалари);

3.1.6 шина синфи (C1, C2 ёки C3 синфи) (ушбу Қоидаларнинг 2.4 бандига қ.);

3.1.6.1 C1 синфидаги шиналар учун кесим кенглиги кўлами (ушбу Қоидаларнинг 6.1.1 бандига қ.);

Изоҳ: Ушбу маълумот ғилдираш вақтида чиқарадиган товуш даражасига нисбатан фақат расмий тасдиқлаш учун талаб этилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3.1.7 шина конструкцияси;

3.1.8 C1 синфидаги шиналар учун:

а) ғилдираш вақтида чиқарадиган товуш даражасига нисбатан расмий тасдиқланишда улар кучайганми (ёки оширилган кўтариб туриш қобилияти билан);

b) улар, ҳўл юзаларда илашишни расмий тасдиқлаш учун қишки шиналар ҳолатида "Q" дан ("H" дан ташқари) юқори бўлмаган ёки "R" дан ("H" билан бирга) паст бўлмаган тезлик тоифасига киради;

3.1.9 фойдаланиш тоифаси (оддий, қишки ёки махсус);

3.1.10 ушбу талабнома қамраб оладиган шиналар ўлчамлари белгиланишининг рўйхати.

3.2 Расмий тасдиқлаш талабномасига қуйидагилар илова қилинади (уч экземплярда):

3.2.1 шина тавсифларига (яъни ғилдираш вақтида чиқарадиган товуш даражаси, ёки мос равишда ҳўл юзаларда илашиш самарадорлиги) таъсир қилиш нуқтаи назаридан шина ўлчамларининг кўрсатиб ўтилган кўламида фойдаланилиши керак бўлган протектор расмининг (расмларининг) асосий хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумотлар. Бу чизма, фотосурат ёки таъриф бўлиши мумкин, лекин улар етарли даражада аниқ-равшан бўлиши керак, чунки турни расмий тасдиқлайдиган орган ёки техник хизмат шинанинг асосий тавсифларининг кейинчалик ҳар қандай ўзгариши унинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадими ёки йўқлигини аниқлай олиши керак. Шинанинг самарадорлиги нуқтаи назаридан унинг конструкциясининг иккинчи даражали элементлари ўзгаришининг оқибатлари ишлаб чиқариш мувофиқлигига текшириш давомида топилади ва аниқланади.

3.2.2 юқоридаги 3.1.4-бандда келтирилган маълумот ва 5-бандда айтиб ўтилган расмий тасдиқлаш тўғрисида далолат берадиган тамғалаш кўрсатиб ўтилган шина ён томонининг схемали чизмалари ёки фотосуратлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан кейин, лекин турни расмий тасдиқланган санадан кейин бир йилдан кеч бўлмаган муддатда тақдим қилиниши керак.

3.3 Турни расмий тасдиқлайдиган орган сўровига биноан талабнома берувчи синовлар учун шиналар намуналарини ёки улар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Қоидаларнинг 11-бандида айтиб ўтилган тартибда берилган, техник хизматлар томонидан ўтказилган синовлар баённомаларининг нусхаларини тақдим қилади.

3.4 Талабномага биноан, турни расмий тасдиқловчи орган ёки кўрсатиб ўтилган техник хизмат ихтиёрига кўра синов учун энг ёмон тавсифли намунавий шина танлаб олиниши мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3.5 Шинани ишлаб чиқарувчи-заводнинг лабораториялари ва синов объектлари синовлар ўтказишга ваколатланган лаборатория сифатида тайинланиши мумкин; расмий тасдиқловчи лаёқатли орган ҳар қандай синовларга ўз вакилларини юбора олиш имкониятига эга бўлиши керак.

4. ТАМҒАЛАШ

4.1 Шина турини ташкил этувчи барча шиналарда мос равишда ё ЕИКнинг 30-сонли Қоидаларида, ёки ЕИКнинг 54-сонли Қоидаларида назарда тутилган тамғалаш қўйилиши керак.

4.2 Хусусан шиналарга қуйидагилар қўйилиши керак:

4.2.1 ишлаб чиқарувчи-завод номи ёки савдо тамғаси;

4.2.2 савдо белгиси (2.2-бандга қ.). Агар савдо тамғаси билан савдо белгиси мос келса, савдо белгиси талаб этилмайди.

4.2.3 шина ўлчамининг белгиланиши;

4.2.4 агар шина кучайтирилган шиналар тоифасига тегишли бўлса, "REINFORCED" (“КУЧАЙТИРИЛГАН”) (ёки вариант сифатида "EXTRA LOAD") (“КУЧАЙТИРИЛГАН КЎТАРИБ ТУРИШ ҚОБИЛИЯТИ”) ёзуви;

4.2.5 агар шина қишки шиналар тоифасига тегишли бўлса, "M+S" (ёки "M.S" ёки "M&S") ёзуви;

4.2.6 агар шина махсус шиналар тоифасига тегишли бўлса, "MPT" (ёки "ML", ёки "ET") ёзуви.

4.3 Шиналарда ушбу Қоидаларнинг 2-иловасида келтирилган расмий тасдиқлаш белгисини қўйиш учун етарлича жой бўлиши керак.

4.4 Расмий тасдиқлаш белгиси шинанинг ён томонига босиб қўйилади ёки унда бўртма расм тарзида шакллантирилади; у ўқиш учун қулай бўлиши ва шинанинг ҳеч бўлмаганда битта ён томонида қуйи қисмда жойлашган бўлиши керак;

4.4.1 лекин чамбарагида “A” компоновка белгиси белгиланган шиналарда тамға шинанинг ташқи ён томонининг ҳар қандай жойида жойлашган бўлиши мумкин.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5. РАСМИЙ ТАСДИҚЛАШ

5.1 Агар ушбу Қоидалар асосида расмий тасдиқлашга тақдим этилган шина тури учун намунавий бўлган шина ўлчами қуйида келтирилган 6 ва 7 – бандлардаги кўрсатмаларни қониқтирса, шинанинг ушбу тури расмий тасдиқланади.

5.2 Расмий тасдиқланган шина турига расмий тасдиқ рақами берилади. Битта Келишувчи томон ушбу рақамни шинанинг бошқа турига бера олмайди.

5.3 Ушбу Қоидаларни қўлловчи Келишув томонлари, Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган намунага мувофиқ карточка ёрдамида ушбу Қоидалар асосида шина турининг расмий тасдиқланиши, расмий тасдиқланишнинг жорий этилиши ёки расмий тасдиқлашни рад этиш тўғрисида хабардор этиладилар.

5.3.1 Шинани тайёрловчилар ушбу шина турига тегишли бўлган бошқа қоидалар кўрсатмалари асосида турни расмий тасдиқлашни жорий этишга талабнома тақдим қилиш ваколатига эгалар. Ушбу ҳолда расмий тасдиқлашни жорий қилиш талабномасига расмий тасдиқни тақдим қилган тегишли орган томонидан юборилган турни зарур тарзда расмий тасдиқлаш тўғрисидаги хабар (хабарлар) нусхаси илова қилинади. Расмий тасдиқни (тасдиқларни) жорий қилиш учун барча талабномалар фақат шинани дастлабки расмий тасдиқлаган, турни расмий тасдиқланишини тақдим этадиган орган томомнидан қондирилади.

5.3.1.1 Ахборот карточкасига (ушбу Қоидаларнинг 1-иловасига қ.) бошқа қоидаларга мувофиқлик тўғрисидаги далиллар киритилиши лозим бўлган расмий тасдиқни жорий қилиш ҳолатида ахборот карточкасидаги расмий тасдиқ рақами расмий тасдиқни жорий қилиш асосида киритилган ушбу қоидалар ва техник кўрсатмаларни идентификация қилиш учун индекс (индекслар) билан тўлдирилади. Ҳар бир берилган индексларга келсак, ахборот карточкасининг 9-бандида турни расмий тасдиқлашнинг муайян рақами (рақамлари) ва Қоидаларнинг ўз рақами (рақамлари) кўрсатиб ўтилиши керак.

5.3.1.2 Ушбу индекс тегишли Қоидалар учун шиналарнинг тавсифлари тўғрисида кўрсатмаларга тузатишлар сериясини кўрсатади (масалан, йўлда ғилдираш вақтида шина чиқарадиган товушга, ёки ҳам йўлда ғилдираш вақтида шина чиқарадиган товушга, ҳам ҳўл юзаларда шинанинг илашишига тегишли бўлган 01 сериясига тузатишларни кўрсатиш учун S01 ёки SW01). Агар тегишли Қоидалар уларнинг дастлабки вариантида бор бўлса, тузатишлар сериясини кўрсатиб ўтиш талаб этилмайди.

5.3.2 Шиналар самарадорлиги параметрлари тўғрисида муайян Қоидаларни кўрсатиб ўтиш учун қуйидаги индекслардан фойдаланилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

S - ғилдираш вактида шиналар чиқарадиган товуш тўғрисида талабларга қўшимча мувофиқликни кўрсатиш учун;

W - ҳўл юзаларда шинанинг илашиши тўғрисида талабларга қўшимча мувофиқликни кўрсатиш учун;

Зарурат бўлганда бошқа индекслар ҳам белгиланиши мумкин.

5.4 Ушбу Қоидалар асосида расмий тасдиқланган шина турига мувофик бўлган ҳар бир ўлчамдаги шиналарда 4.3-бандда кўрсатиб ўтилган жойда ва 4.4-банддаги кўрсатмаларга мувофиқ қуйидагилардан ташкил топган расмий тасдиқлашнинг халқаро белгиси қўйилади:

5.4.1 ичида "Е" ҳарфи қўйилган айлана, ундан кейин расмий тасдиқлаган мамлакатнинг танитувчи рақами келади [2], ва

5.4.2 расмий тасдиқлаш рақамлари, ундан кейин 5.4.1-бандда назарда тутилган айланадан ўнг томонда (ёки пастда) қўйиладиган "S" ёки "SW" индекси (лари) келади, агар у дастлабки расмий тасдиқлашнинг қисми бўлиб ҳисобланса. Агар расмий тасдиқлаш дастлабки тасдиқлаш тақдим қилингандан кейин жорий қилинса, "S" ёки "SW" дан олдин, расмий тасдиқлаш жорий қилинишини кўрсатувчи "+" қўшимча белги қўйилади.

5.4.3 Ҳар қандай тегишли тузатишлар сериясининг индекси (лари) ва белгиланишлари, агар улар ахборот карточкасида кўрсатилганидек қабул қилинган бўлса.

5.4.4 Шинанинг ён томонларидаги расмий тасдиқлаш рақамида индексни (индексларни) қўйиш ҳолларида, юқоридаги 5.3.2-бандга биноан ушбу индекс билан

---

[2] 1 - Германия, 2 - Франция, 3 - Италия, 4 - Голландия, 5 - Швеция, 6 - Бельгия, 7 - Венгрия, 8 – Чехия Республикаси, 9 - Испания, 10 - Сербия, 11 – Бирлашган Қироллик, 12 - Австрия, 13 - Люксембург, 14 - Швейцария, 15 (берилмаган), 16 - Норвегия, 17 - Финляндия, 18 - Дания, 19 - Руминия, 20 - Польша, 21 - Португалия, 22 - Россия Федерацияси, 23 - Греция, 24 - Ирландия, 25 - Хорватия, 26 - Словения, 27 - Словакия, 28 - Беларусь, 29 - Эстония, 30 (берилмаган), 31 - Босния ва Герцеговина, 32 - Латвия, 33 (берилмаган), 34 - Болгария, 35 (берилмаган), 36 - Литва, 37 - Туркия, 38 (берилмаган), 39 - Озарбайжон, 40 – собик Югославиянинг Македония Республикаси, 41 (берилмаган), 42 – Европа ҳамжамияти (расмий тасдиқ уларнинг ЕИҚга мос бўлган шартли белгиланишидан фойдаланиб унинг аъзо-давлатлари томонидан тақдим этилади), 43 - Япония, 44 (берилмаган), 45 - Австралия, 46 - Украина, 47 - Жанубий Африка, 48 - Янги Зеландия, 49 - Кипр, 50 - Мальта, 51 – Корея Республикаси, 52 - Малайзия, 53 - Таиланд, 54 ва 55 (берилмаган) ва 56 - Черногория. Кейинги тартиб рақамлари, бошқа давлатлар Ғилдиракли транспорт воситалари, жиҳозлаш буюмлари ва ғилдиракли транспорт воситаларида ўрнатилиши ва/ёки ишлатилиши мумкин бўлган қисмлар учун бир хил техник кўрсатмаларни қабул қилиш тўғрисидаги ва ушбу кўрсатмалар асосида бериладиган расмий тасдикни ўзаро тан олиш шартлари тўғрисида келишувни улар томонидан ратификация қилишнинг хронологик тартибида, ёки уларнинг ушбу Келишувга қўшилиш тартибида уларга берилади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан уларга шу тарзда берилган рақамлар тўғрисида Келишув томонларига хабар берилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

белгиланадиган қоидаларга мувофиқликни таъминлаш учун турни расмий тасдиқлашнинг муайян рақамини шинада қўшимча тарзда кўрсатиб ўтиш талаб этилмайди.

5.5 Агар шина ушбу Қоидалар асосида расмий тасдиқни тақдим қилган мамлакатда Келишувга илова қилинадиган бошқа Қоидалар асосида расмий тасдиқланган турга мувофиқ бўлса, 5.4.1-бандда назарда тутилган белгиланишни такрорлаш талаб этилмайди. Бундай ҳолатда ушбу Қоидалар асосида расмий тасдиқни тақдим қилган мамлакатда, улар асосида расмий тасдиқ тақдим қилинган барча Қоидаларнинг қўшимча рақамлари ва белгиланишлари юқоридаги 5.4.1-бандда назарда тутилган белгиланишнинг ёнида жойлашади.

5.6 Расмий тасдиқлаш белгиларига мисоллар ушбу Қоидаларнинг 2-иловасида келтирилган.

6. ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

6.1 Ғилдираш вақтида чиқадиган товушнинг чегаравий даражалари ушбу Қоидаларнинг 3-иловасида баён этилган усул ёрдамида ўлчанади.

6.1.1 C1 синфидаги шиналар учун ғилдираш вақтида чиқадиган товуш даражаси қуйида кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак. Бу қийматлар ҳам оддий, ҳам қишки шиналарга қўлланилади ва 30-сонли Қоидаларнинг 2.17.1.1-бандида таърифи мавжуд бўлган профилнинг номинал кенглиги қийматлари билан ўзаро нисбатда аниқланади:

Профилнинг номинал кенглиги	Чегаравий даража, дБ(А)
145 ва камроқ	72
145 дан кўп ва 165 гача	73
165 дан кўп ва 185 гача	74
185 дан кўп ва 215 гача	75
215 дан кўп	76

6.1.1.1 C1 синфидаги (юқоридаги 4.2.4-бандга қ.) “кучайтирилган” (ёки оширилган кўтариб туриш қобилияти) шиналар ҳолатида 6.1.1-бандда кўрсатиб ўтилган чегаравий даражалар 1 дБ(А) га оширилади.

6.1.1.2 “Махсус” фойдаланиш тоифасига тегишли бўлган C1 синфидаги шиналар ҳолатида 6.1.1-бандда кўрсатиб ўтилган чегаравий даражалар 2 дБ(А) га оширилади.

6.1.2 C2 синфидаги шиналар учун фойдаланишнинг турли тоифалари (юқоридаги 2.1-бандга қ.) бўйича ғилдираш вақтида чиқариладиган товуш даражаси қуйидагилардан ошмаслиги керак:

O`ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Фойдаланиш тоифаси	Чегаравий даража, дБ(А)
Оддий	75
Қишки	77
Махсус	78

6.1.3 С3 синфидаги шиналар учун фойдаланишнинг турли тоифалари (юқоридаги 2.1-бандга қ.) бўйича ғилдираш вақтида чиқариладиган товуш даражаси қуйидагилардан ошмаслиги керак:

Фойдаланиш тоифаси	Чегаравий даража, дБ(А)
Оддий	76
Қишки	78
Махсус	79

6.2 Ҳўл йўл қопламасида илашиш самарадорлигини аниқлаш синалаётган дастлабки стандарт шинада (СДСШ) олинган қийматлар билан ё тормоз кучининг чўққи коэффициенти ("pbfc"), ёки ўртача барқарор секинлашиш ("mfdd") билан солиштирилиши назарда тутилган тартиб-таомилга асосланади. Нисбий самарадорлик ҳўл йўл қопламасида (G) илашиш индекси билан кўрсатилади.

6.2.1 Ушбу Қоидаларнинг 5-иловасида назарда тутилган тартиб-таомилларнинг хар қайсинисига мувофиқ синаладиган С1 синфидаги шиналар ҳолатида шина қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Фойдаланиш тоифаси	Ҳўл йўл копламасида илашиш индекси
160 км/с дан ошмайдиган максимал жоиз тезликни кўрсатадиган тезлик ("Q" ёки минус "H" дан паст) белгиланиши билан қишки шина	≥ 0,9
160 км/с дан ошадиган максимал жоиз тезликни кўрсатадиган тезлик ("R" ёки плюс "H" дан юқори) белгиланиши билан қишки шина	≥ 1,0
Оддий шина (йўл туридаги)	≥ 1,1

7. ПНЕВМАТИК ШИНА ТУРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА РАСМИЙ ТАСДИҚНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

7.1 Ушбу Қоидаларга мувофиқ расмий тасдиқланган эксплуатацион тавсифларга таъсир қилиши мумкин бўлган, шина турининг ҳар қандай ўзгариши тўғрисида ушбу шина турини расмий тасдиқлаган органга хабар берилади. Ушбу орган:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

7.1.1 ё киритилган ўзгаришлар расмий тасдиқланган эксплуатацион тавсифларга жиддий салбий таъсир кўрсатмайди ва шина аввалгидек ушбу Қоидаларнинг кўрсатмаларига мувофиқ келади деган хулосага келиши мумкин;

7.1.2 ёки синов учун қўшимча намуналарни ёки кўрсатилган техник хизматдан янги синов баённомаларини талаб қилиши мумкин.

7.1.3 Расмий тасдиқлашнинг тасдиғи тўғрисидаги ёки киритилган ўзгаришлар кўрсатиб ўтилган, расмий тасдикни рад этиш тўғрисидаги билдириш хати ушбу Қоидаларнинг 5.3-бандида назарда тутилган тартиб-таомилга мувофиқ ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишув Томонларига юборилади.

7.1.4 Расмий тасдикни жорий қилган, турни расмий тасдиқлаган орган бундай жорий қилишга ахборот карточкасида кўрсатиб ўтиладиган тегишли серия рақамини беради.

8. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ МУВОФИҚЛИГИ

Ишлаб чиқариш мувофиқлигини текшириш тартиб-таомиллари Келтшувга 2-сонли қўшимчада (E/ECE/324 - E/ECE/TRANS/505/Rev.2) баён этилган тартиб-таомилларга мувофиқ бўлиши ва қуйидаги кўрсатмаларга риоя қилиши керак:

8.1 Ушбу Қоидалар асосида расмий тасдиқланган ҳар қандай шина, расмий тасдиқланган шина туринииг эксплуатация тавсифларига мувофиқ бўлган ва юқоридаги 6-банддаги кўрсатмаларни қониқтирадиган тарзда тайёрланган бўлиши керак.

8.2 Юқоридаги 8.1-бандда назарда тутилган мувофиқликни текшириш учун, серияли ишлаб чиқариш тўпидан ушбу Қоидаларда баён этилган расмий тасдиқлаш белгисига эга бўлган шиналар ихтиёрий тарзда танланади. Одатда, ишлаб чиқариш мувофиқлигини текшириш камида икки йилда бир марта амалга оширилади.

8.2.1 6.2-бандга мувофиқ расмий тасдиқларни текширишга келсак, бундай текширувлар дастлабки расмий тасдиқлаш учун қабул қилинган тартиб-таомил каби худди шундай тартиб-таомилдан (ушбу Қоидаларнинг 5-иловасига қ.) фойдаланиб ўтказилади. Бунда турни расмий тасдиқлаган орган, тури расмий тасдиқланиши лозим бўлган барча шиналар расмий тасдиқлаш тўғрисидаги талабларга мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилиши керак. Ишлаб чиқарувчи томонидан фойдаланиладиган сифат менежменти тизимига (тизимларига) мувофиқ ҳар бир саноат объектида ушбу турдаги шиналарни ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш амалга оширилади. Синов тартиб-таомили бир қатор шиналарни бир вақтда синашни назар тутган, масалан ушбу Қоидаларнинг 5-иловасида баён этилган ва стандарт транспорт воситасидан фойдаланишни назарда тутадиган тартиб-таомилга биноан, ҳўл йўл қопламасида илашиш самарадорлигини текшириш учун тўртта шинадан иборат комплект ҳолатида, ушбу

O`ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

комплект синалиши лозим бўлган шиналар сонини ҳисоблаш мақсадлари учун битта бутун сифатида кўриб чиқилади.

8.3 Агар ўлчанган даражалар, ялпи ишлаб чиқариш жараёнида жоиз оғишларга +1 дБ(А) қўшимча жоизлик билан юқоридаги 6.1-бандда баён этилган чегаравий даражаларга мувофиқ бўлса, ишлаб чиқариш ушбу Қоидалардаги кўрсатмаларга мувофиқ деб ҳисобланади.

9. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ НОМУВОФИҚЛИГИ УЧУН ҚЎЙИЛАДИГАН САНКЦИЯЛАР

9.1 Агар юқоридаги 8-бандда баён этилган талабларга риоя қилинмаса, ёки ушбу турдаги ҳар қандай шина юқоридаги 8.3-бандда кўрсатилган чегаравий даражалардан ошадиган шовқин чиқарса, ушбу Қоидалар асосида тақдим қилиган шина турининг расмий тасдиғи рад этилиши мумкин.

9.2 Агар ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишувнинг бирор-бир Томони ўзи томонидан аввал тақдим қилинган расмий тасдиқни рад этса, у ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган намунага мос бўлган расмий тасдиқ карточкаси ёрдамида ушбу Қоидаларни қўллайдиган бошқа Келишган томонларни бу тўғрисида дарҳол хабардор қилади.

10. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТЎЛИҚ ТЎХТАТИШ

Агар расмий тасдиқ эгаси ушбу Қоидалар асосида расмий тасдиқланган пневматик шина турини ишлаб чиқаришни тўлиқ тўхтатса, у расмий тасдиқни тақдим этган лаёқатли органга бу тўғрисида хабар беради. Бундай хабарни олгандан кейин ушбу лаёқатли орган ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган намунага мувофиқ ахборот карточкаси ёрдамида ушбу Қоидаларни қўллайдиган, 1958 йилдаги Келишувнинг бошқа Томонларига бу тўғрисида хабар беради.

11. РАСМИЙ ТАСДИҚЛАШ УЧУН СИНОВЛАР ЎТКАЗИШГА ВАКОЛАТЛАНГАН ТЕХНИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ВА МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАРНИНГ НОМЛАРИ ВА МАНЗИЛЛАРИ

11.1 Ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишувнинг Томонлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Котибиятига бошқа мамлакатда бериладиган расмий тасдиқлаш, расмий тасдиқлашни жорий қилиш, расмий тасдиқлашни рад этиш ёки расмий тасдиқлашни бекор қилишни рўйхатга олиш карточкалари берилиши лозим бўлган ва расмий тасдиқлаш учун синовларни ўтказишга ваколатланган техник хизматлар ҳамда расмий тасдиқлашни тақдим этадиган маъмурий органларнинг номлари ва манзиллари ҳақида хабар берилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

12. ЖОРИЙ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

12.1 Ушбу Қоидалар кучга кириши санасидан бошлаб ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишув томонлари:

a) ушбу Қоидалар асосида бирор-бир шина турининг ЕИҚ расмий тасдиғини тақдим қилишни рад қилмасликлари керак;

b) агар ушбу шина мазкур Қоидалар таъсирига тушса ва ушбу Қоидаларнинг кўрсатмаларига мувофиқ бўлса шинани сотиш ёки эксплуатацияга киритишни тақиқлаш керак эмас.

12.2 Агар шина ушбу Қоидалар таъсирига тушса ва ушбу Қоидаларнинг кўрсатмаларига мувофиқ бўлмаса, ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишган томон 2003 йил 4 августдан бошлаб шина тури учун миллий расмий тасдиқни тақдим қилишда рад жавобини беради.

12.3 01 сериясидаги тузатмалар кучга кирган санадан кейин 24 ой ўтиши билан, ҳўл юзаларда ғилдираш вақтида шиналар илашишининг самарадорлигига нисбатан ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишган томонлар расмий тасдиқланиши лозим бўлган шина тури 01 сериядаги тузатишлар билан ушбу Қоидалардаги кўрсатмаларга жавоб берган ҳоллардагина расмий тасдиқни тақдим этадилар.

12.4 Ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишган томон қуйида кўрсатилган саналардан бошлаб, ушбу Қоидалар таъсирига тушган ва ушбу Қоидаларнинг кўрсатмаларига жавоб бермайдиган шинани сотиш ёки эксплуатацияга киритишга рухсат беришда рад жавобини беради.

2009 йил 1 октябрдан бошлаб профил кенглиги 185 гача бўлган C1 синфидаги шиналар учун

2010 йил 1 октябрдан бошлаб профил кенглиги 185 дан кўп ва 215 гача бўлган C1 синфидаги шиналар учун

2011 йил 1 октябрдан бошлаб профил кенглиги 215 дан кўп бўлган C1 синфидаги шиналар учун

2009 йил 1 октябрдан бошлаб C2 синфи ва C3 синфидаги шиналар учун

Ушбу Қоидаларни қўллайдиган Келишган томонлар юқорида кўрсатилган саналаргача ушбу Қоидалар таъсирига тушадиган заҳира шинаси сотиш ва эксплуатацияга киритиш мақсадлари учун ушбу Қоидаларнинг кўрсатмаларига мувофиқ бўлиши талаб этилмайди.


O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

1-илова

АХБОРОТ

(максимал формат: А4 (210 х 297 мм))

Юборилган: маъмурий орган номи



117-сонли Қоидалар асосида "ғилдираш вақтида чиқадиган товуш" ва ҳўл юзаларда илашиш кўрсаткичлари"га нисбатан шина турига тегишли[2]:

Расмий тасдиқланишни тақдим қилиш
Расмий тасдиқлашни жорий қилиш
Расмий тасдиқлашни рад этиш
Расмий тасдиқлашни бекор қилиш
Ишлаб чиқаришни тўлиқ тўхтатиш

Расмий тасдиқлаш № ... Жорий қилиш № ...

1. Ишлаб чиқарувчи-завод номи ва манзили (лари)

2. Агар қўллаб бўлса, ишлаб чиқарувчи-завод вакилининг номи ва манзили:

3. "Шина синфи" ва шина туринининг "фойдаланиш тоифаси":

4. Шина туринининг фабрика тамғаси (тамғалари) ва/ёки савдо белгиланиши (белгиланишлари):

5. Расмий тасдиқлаш ёки мувофиқликни текшириш мақсадлари учун синовларни ўтказишга ваколатланган техник хизмат ва тегишли ҳолларда синов лабораторияси:

6. 3-қўшимчада келтирилган синов баённомасининг 7-бандига биноан намунавий ўлчамдаги шина товушининг даражаси, 117-сонли Қоидаларнинг 2.5-бандига қаранг: 70/80 км/с назорат тезлигида ... дБ(А)[2]

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

7. 5-иловага қўшимчада келтирилган синовлар баённомасининг 7-бандига мувофиқ намунавий шинанинг ҳўл йўл қопламасида илашиш самарадорлиги, 117-сонли Қоидаларнинг 2.5-бандига қаранг:

(G) транспорт воситаси ёки тиркамадан фойдаланган ҳолдаги усул асосида[2].

8. Ушбу хизмат томонидан тузилган баённома рақами:

9. Ушбу хизмат томонидан тузилган баённома санаси:

10. Жорий қилиш учун асос (асослар) (агар бу қўлланилса):

11. Ҳар қандай фикр-мулоҳазалар:

12. Жой:

13. Сана:

14. Имзо:

15. Ушбу ахборотга қуйидагилар илова қилинади:

15.1 Расмий тасдиқни тақдим қилган маъмурий хизматда сақланадиган, расмий тасдиқлашнинг ҳужжатлар тўпламида мавжуд бўлган ва расмий сўров бўйича олиниши мумкин бўлган ҳужжатлар рўйхати.

15.2 Протектор расми белгиларининг рўйхати: ҳар бир савдо белгиси ёки фабрика тамғаси ва савдо белгиланиши учун C1 синфидаги шиналарда "reinforced" (“кучайтирилган”) (ёки "extra load" (“оширилган кўтариб туриш қобилияти билан”)) ёзувини қўшган ҳолда шина ўлчамлари белгиларининг рўйхати ёки ушбу Қоидаларнинг 3.1-бандида талаб этилса қишки шиналар тезлигининг белгиси кўрсатиб ўтилади.

---

[1]Расмий тасдиқлашни тақдим қилган/жорий қилган/бекор қилган ёки расмий тасдиқлашга рад жавобини берган мамлакатнинг танитувчи рақами (расмий тасдиқлашга тегишли бўлган Қоидалар низомига қ.).

[2]Керак бўлмагани чизиб ўчирилсин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI


2-илова

РАСМИЙ ТАСДИҚЛАШ БЕЛГИЛАРИНИНГ СХЕМАЛАРИ

(Ушбу Қоидаларнинг 5.4-бандига қаранг)

117-сонли Қоидаларга мувофиқ расмий тасдиқлаш белгилари

1-мисол




011234 S

Юқорида келтирилган, пневматик шинада қўйилган расмий тасдиқлаш белгиси ушбу шина Голландияда (E4) 117-сонли Қоидалар асосида (фақат S индекси (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш) билан белгиланган) 001234 расмий тасдиқлаш рақами остида расман тасдиқланганини кўрсатади, унинг биринчи иккита рақами уларнинг дастлабки вариантида ушбу Қоидаларнинг кўрсатмаларига мувофиқ расмий тасдиқланиши тақдим этилганини кўрсатади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N'ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2-мисол




011234 S ёки SW

Юқорида келтирилган расмий тасдиқлаш белгиси тегишли шина Голландияда (E4) 117-сонли Қоидалар асосида 011234 расмий тасдиқлаш рақами остида расмий тасдиқланганини, S индекси (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш) ёки ҳам S индекси (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш), ҳам W индекси (хўл йўл қопламасида илашиш) билан белгиланганини ва расмий тасдиқ S га ёки ҳам S га, ҳам W га тегишлилигини кўрсатади. Расмий тасдиқлаш рақамининг биринчи иккита (01) сони 01 сериядаги тузатишларга мувофиқ расмий тасдиқланиши тақдим этилганини кўрсатади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI


30 ЁКИ 54-СОНЛИ ҚОИДАЛАР АСОСИДАГИ РАСМИЙ ТАСДИҚЛАШ БИЛАН ТЎҒРИ КЕЛГАН 117-СОНЛИ ҚОИДАЛАР АСОСИДАГИ РАСМИЙ ТАСДИҚЛАШ[1]

1-мисол



Юқорида келтирилган расмий тасдиқлаш белгиси тегишли шина Голландияда (E4) 117-сонли Қоидалар асосида (S индекси (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш) билан белгиланган) 011234 расмий тасдиқлаш рақами остида ва 30-сонли Қоидалар асосида 023637 расмий тасдиқлаш рақами остида расмий тасдиқланганини кўрсатади. Расмий тасдиқлаш рақамининг биринчи иккита (01) сони 01 сериядаги тузатишларга мувофиқ расмий тасдиқланиш тақдим этилганини, 30-сонли Қоидалар эса 02 сериясидаги тузатишларни киритганини кўрсатади.

2-мисол




Юқорида келтирилган расмий тасдиқлаш белгиси тегишли шина Голландияда (E4) 117-сонли Қоидалар асосида (S индекси (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш) ёки SW индекси (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш ва ҳўл қопламаларда илашиш) билан белгиланган) 011234 расмий тасдиқлаш рақами остида ва 30-сонли Қоидалар асосида 023637 расмий тасдиқлаш рақами остида расмий тасдиқланганини кўрсатади.

[1] 54-сонли Қоидаларни қўллаш соҳасига тегишли бўлган шиналарга нисбатан 117-сонли Қоидалар асосида расмий тасдиқлаш ҳозирги кунда ҳўл қопламаларда илашиш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олмайди.

O`ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Расмий тасдиқлаш рақамининг биринчи иккита (01) сони 01 сериядаги тузатишларга мувофиқ расмий тасдиқланиш тақдим этилганини, 30-сонли Қоидалар эса 02 сериясидаги тузатишларни киритганини кўрсатади.

3-мисол




Юқорида келтирилган расмий тасдиқлаш белгиси тегишли шина Голландияда (E4) 117-сонли Қоидалар асосида 01 серияли тузатишлар билан (фақат S индекси билан белгиланган) 011234 расмий тасдиқлаш рақами остида ва 54-сонли Қоидалар асосида расмий тасдиқланганини кўрсатади. У расмий тасдиқлаш фақат ғилдираш вақтида чиқадиган товушга (S) тегишлилигини кўрсатади, чунки 54-сонли Қоидалар асосида расмий тасдиқланган шиналар хозирги вақтда ҳўл юзаларда илашишга нисбатан расмий тасдиқлана олмайди. "S" индекси билан биргаликда 117-сонли Қоидалар асосида расмий тасдиқлаш рақамининг биринчи иккита (01) сони 01 сериядаги тузатишларни ўз ичига олган 117-сонли Қоидаларга мувофиқ биринчи расмий тасдиқланиш тақдим этилганини кўрсатади. 54-сонли Қоидалар асосида расмий тасдиқлашнинг биринчи иккита рақамлари (00) ушбу Қоидалар уларнинг дастлабки вариантида бўлганини кўрсатади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

117, 30 ЁКИ 54-СОНЛИ ҚОИДАЛАР АСОСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН РАСМИЙ ТАСДИҚЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЖОРИЙ ҚИЛИШ[2]

1-мисол




Юқорида келтирилган расмий тасдиқлаш белгиси тегишли шина дастлаб Голландияда (E4) 30-сонли Қоидалар асосида 02 серияли тузатишлар билан 023637 расмий тасдиқлаш рақами остида расмий тасдиқланганини кўрсатади. Унда шунингдек + S (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш) белгиси қўйилган, ушбу белги унинг расмий тасдиқланиши 117-сонли Қоидалар асосида жорий қилинганини кўрсатади. Расмий тасдиқлаш рақамининг биринчи иккита (02) сони 02 сериядаги тузатишларни ўз ичига олган 30-сонли Қоидаларга мувофиқ расмий тасдиқланиш тақдим этилганини кўрсатади. Қўшимча (+) белгиси, дастлабки расмий тасдиқлаш 30-сонли Қоидаларга мувофиқ тақдим этилганини ва 117-сонли Қоидалар асосида тақдим этилган расмий тасдиқлашни (тасдиқлашларни) қамраб олиш мақсадида жорий этилганини кўрсатади.

[2] 54-сонли Қоидаларни қўллаш соҳасига тушадиган шиналарга нисбатан 117-сонли Қоидалар асосида расмий тасдиқлаш ҳозирги вақтда ҳўл юзаларда илашиш тўғрисида кўрсатмаларни ўз ичига олмайди.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2-мисол



023637 + S01 ёки + SW01

Юқорида келтирилган расмий тасдиқлаш белгиси ушбу шина дастлаб Голландияда (E4) 30-сонли Қоидалар асосида 02 серияли тузатишлар билан 023637 расмий тасдиқлаш рақами остида расмий тасдиқланганини кўрсатади. У расмий тасдиқлаш S га (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш), ёки ҳам S га (ғилдираш вақтида чиқадиган товуш), ҳам W га (ҳўл юзаларда илашиш) тегишлилигини кўрсатади. (01) дан кейин келувчи S ёки SW индекслари расмий тасдиқлаш 01 сериядаги тузатишлар билан 117-сонли Қоидалар асосида жорий қилинганини кўрсатади. Расмий тасдиқлашнинг биринчи иккита (02) сони 02 сериядаги тузатишларни ўз ичига олган 30-сонли Қоидалар асосида расмий тасдиқланиш тақдим этилганини кўрсатади. Қўшимча (+) белгиси, дастлабки расмий тасдиқлаш 30-сонли Қоидаларга мувофиқ тақдим этилганини ва 117-сонли Қоидалар асосида тақдим этилган расмий тасдиқлашни (тасдиқлашларни) қамраб олиш мақсадида жорий этилганини кўрсатади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3-илова

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИНГ ДУМАЛАБ ҒИЛДИРАШИ, ҲАРАКАТЛАНИШИ ВАҚТИДА ШИНАНИНГ ЧИҚАРАДИГАН ТОВУШИ ДАРАЖАСИНИ ЎЛЧАШ УЧУН СИНОВ УСУЛИ

0. Кириш

Тақдим этилган усул томонидан ўлчаш асбобларига нисбатан техник талаблар, шунингдек муайян йўл қопламаси бўйича ҳаракатланувчи синов транспорт воситасида ўрнатилган шиналар комплекти чиқарадиган товуш даражасини аниқлаш учун ўлчашлар ўтказиш шартлари ва йўсинлари белгиланади. Думалаб ҳаракатланаётган синов транспорт воситасида маълум масофаларда ўрнатилган микрофонлар ёрдамида товуш босимининг максимал даражасини рўйхатга олиш амалга оширилади; назорат тезлиги учун якуний натижа чизиқли регрессияни таҳлил қилиш асосида олинади. Бундай синов натижалари, двигатель ёрдамида тезлаштириш ёки тормоз беришда секинлатиш жараёнида ўлчанадиган, ғилдираш вақтида шина чиқарадиган товуш даражалари билан мувофиқлаша олмайди.

1. Ўлчаш асбоблари

1.1 Акустик ўлчашлар

Товуш даражасини ўлчагич ёки эквивалент ўлчаш асбоби, жумладан ишлаб чиқарувчи-завод томонидан тавсия этилган, шамолдан ҳимоя қилиш экрани энг камида IEC 60651:1979/A1:1993 стандартининг иккинчи нашрига биноан 1 тур асбобларига нисбатан кўрсатмаларни қониқтириши керак.

Ўлчашлар A частотали тортиш эгри чизиғи ва F вақт билан белгиланадиган тортиш эгри чизиғидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши керак.

A эгри чизиғи бўйича тортилган товуш даражасини даврий текширишни тақазо қиладиган асбобдан фойдаланиш ҳолатида кўрсаткичлар 30 мс дан кўп бўлмаган интервал билан олиниши керак.

1.1.1 Даражалаш

Ўлчашларнинг ҳар бир сериясининг бошида ва охирида барча ўлчаш тизими IEC 60942:1988 стандартига биноан ҳеч бўлмаса 1 синф аниқликдаги акустик калибраторларга қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак бўлган акустик калибратор ёрдамида текширилиши керак. Бирор-бир қўшимча тўғрилашсиз иккита кетма-кет текширувларнинг кўрсаткичларидаги фарқ 0,5 дБ дан кўпни ташкил этмаслиги керак. Агар фарқ ушбу

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

қийматдан ошса олдинги қониқарли текширувдан кейин олинган ўлчаш натижалари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

1.1.2 Талабларга мувофиқлик

Акустик калибраторнинг IEC 60942:1988 стандарти талабларига мувофиқлиги ҳар йили текширилиши, ўлчаш тизимининг IEC 60651:1979/A1:1993 стандарти иккинчи нашри талабларига мувофиқлиги камида икки йилда бир марта текширилиши керак; текширувлар амалдаги стандартларга мувофиқ назорат-ўлчаш асбобларини даражалашни амалга оширишга ваколатланган лаборатория томонидан ўтказилади.

1.1.3 Микрофоннинг жойлашиши

Микрофон (ёки микрофонлар) трекнинг CC' назорат ўқидан (1-расм) 7,5 ± 0,05 м масофада ва ер юзасидан 1,2 ± 0,02 м баландликда жойлашиши керак. Унинг (уларнинг) максимал сезувчанлик ўқи горизонтал ва транспорт воситаси ҳаракатининг траекториясига перпендикуляр бўлиши керак (CC' тўғри чизиғи).

1.2 Тезликнинг ўзгаришлари

Транспорт воситасининг тезлиги, транспорт воситасининг олдинги тарафи PP' чизиқни кесиб ўтган вақтда ± 1 км/с ёки юқори аниқликка эга бўлган асбоблар ёрдамида ўлчаниши керак (1-расм).

1.3 Температурани ўлчаш

Ҳаво температураси ва синов қопламасини ўлчаш мажбурий ҳисобланади.

Температурани ўлчаш учун асбоблар ± 1°C аниқликка эга бўлиши керак.

1.3.1 Ҳаво температураси

Температура датчиги микрофонга яқин бўлган очиқ жойда жойлашиши ва ҳавонинг эркин келиши учун очиқ бўлган, лекин тўғридан-тўғри қуёш нурларидан ҳимояланган тарзда ўрнатилиши керак. Охирги шартни бажариш учун ҳимоя экрани ёки шунга ўхшаш мосламадан фойдаланиш мумкин. Ҳавонинг кучсиз циркуляцияси вақтида синов қопламасининг иссиқлик нурланиши таъсирини минимумга келтириш учун датчик синов қопламаси сатҳидан 1,2 ± 0,1 м баландликда жойлашиши керак.

1.3.2 Синов қопламасининг температураси

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Температура датчиги, ўлчанаётган температура траспорт воситаси ғилдираклари изи температураси учун намунавий бўлган ва у товуш даражасини ўлчаш учун халақит қилмайдиган жойда ўрнатилиши керак.

Агар контакт туридаги температура датчигили асбобдан фойдаланилса, керакли термик контактни таъминлаш учун қоплама ва датчик орасида махсус иссиқлик ўтказувчи паста қўлланилиши керак.

Агар радиация пирометридан фойдаланилса, ўлчаш майдони 0,1 м дан кам бўлмаган диаметрга эга бўлган тарзда қурилма баландлиги танланиши керак.

1.4 Шамол тезлигини ўлчаш

Асбоб ± 1 м/с аниқлик билан шамол тезлигини ўлчаш имкониятини таъминлаши керак. Шамол тезлиги микрофонни ўрнатиш баландлигида ўлчаниши керак. Транспорт воситаси ҳаракати йўналишига нисбатан шамол йўналиши қайд қилиниши керак.

2. Ўлчашларни ўтказиш шартлари

2.1 Синов майдони

Синов майдони марказий участка ва уни ўраб турувчи амалда горизонтал синов зонасидан ташкил топиши керак. Синовлар ўтказиш учун участка горизонтал бўлиши керак; барча ўлчашларни ўтказиш учун синов қопламаси қуруқ ва тоза бўлиши керак. Синовлар давомида ёки уларни ўтказишни бошлашдан олдин синов қопламаси сунъий совитилмаслиги керак.

Синов треки, товуш манбаси ва микрофон орасида 1 дБ (А) дан кўп бўлмаган халақитлар даражаси билан эркин товуш майдони шароитлари таъминланган тарзда бўлиши керак. Агар ўлчашлар ўтказиш участкаси марказидан 50 м чегараларда тўсиқлар, коялар, кўприклар ёки бинолар каби товуш қайтарувчи йирик объектлар бўлмаса ушбу шартлар бажарилган ҳисобланади. Синов трекининг қопламалари ва синов майдонининг ўлчамлари ушбу иловага 2-қўшимчадаги кўрсатмаларга мувофиқ бўлиши керак.

10 м дан кам бўлмаган радиусдаги марказий қисмда юмшоқ қор, баланд ўт, юмшоқ ер, кул ва б. бўлмаслиги керак. Микрофон яқинида товуш майдонига таъсир кўрсатадиган ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги керак ҳамда микрофон ва товуш манбаи орасидаги бўшлиқ инсонлар бор бўлишидан ҳоли бўлиши керак. Ўлчашларни ўтказадиган оператор ва уларни ўтказишда иштирок этадиган ҳар қандай кузатувчилар, уларнинг бор бўлиши ўлчаш асбобларининг кўрсаткичларига таъсир кўрсатмайдиган жойда туришлари керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.2 Метеорологик шароитлар

Ўлчашлар атмосферанинг ёмон шароитларида ўтказилмаслиги керак. Шамолнинг кучайиши натижаларга таъсир кўрсатмаслиги таъминланиши лозим. Агар шамол тезлиги микрофон ўрнатилган баландликда 5 м/с дан ошса синовлар ўтказилмаслиги керак.

Агар ҳаво температураси 5°С дан камни ёки 40°С дан кўпни ташкил этса, ёки синов қопламаси 5°С дан паст ёки 50°С дан юқори температурага эга бўлса ўлчашлар ўтказилмаслиги керак.

2.3 Атрофдаги шовқин

2.3.1 Фоннинг товуш даражаси (шу жумладан шамол юзага келтирадиган ҳар қандай шовқин) ғилдираш вақтида шина чиқарадиган товушнинг ўлчанган даражасидан ҳеч бўлмаса 10 дБ(А) га паст бўлиши керак. Микрофоннинг сезувчанлик тавсифлари ва қабул қилиш йўналишларига ҳимоя экранининг таъсири ҳисобга олинган шартларда микрофон тегишли ҳимоя экрани билан таъминланиши мумкин.

2.3.2 Шиналар товушининг умумий даражасига аниқ тааллуқли бўлмаган товуш даражасининг чўққи қиймати таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ўлчаш ҳисобга олинмайди.

2.4 Синов транспорт воситасига нисбатан кўрсатмалар

2.4.1 Умумий қоидалар

Синов транспорт воситаси фақат иккита ўқда тўртта бир доналик шина билан жиҳозланган механик транспорт воситасини ўзида ифодалаши керак.

2.4.2 Транспорт воситасини юклаш

Транспорт воситаси қуйида келтирилган 2.5.2 бандда баён этилган, синалаётган шиналар юкламасига нисбатан кўрсатмаларга риоя қилинган тарзда юкланган бўлиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.4.3 База

Иккита ўққа ўрнатилган синалаётган шиналар билан улар орасидаги масофа, С1 синфи учун 3,50 м дан камни, С2 ва С3 синфидаги шиналар учун эса 5 м дан камни ташкил қилиши керак.

2.4.4 Товуш даражасини ўлчашга транспорт воситасининг таъсирини минимумга келтириш учун чоралар

Синов транспорт воситасининг конструктив хусусиятлари ғилдираш вақтида шиналар чиқарадиган товуш даражасига аҳамиятли таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш учун қуйида келтирилган кўрсатмалар ва тавсиялар қўлланилади.

2.4.4.1 Кўрсатмалар

a) Транспорт воситасида сачранди тўсқичлар ёки худди шу вазифадаги бошқа қўшимча мосламалар бўлмаслиги керак.

b) Тўғинлар ва шиналардан бевосита яқинликда чиқарилаётган товушни тўсиб қўйиши мумкин бўлган бирор-бир элементларни қўшиш ёки сақлашга йўл қўйилмайди.

c) Олд ғилдиракларни ўрнатиш (бурилиш шкворенининг чиқиб кетиши, оғиши ва бўйлама қиялиги) бурчакларини тартибга солиш транспорт воситасини ишлаб чиқарувчи-завод тавсияларига тўлиқ мувофиқ бўлиши керак.

d) Ғилдиракли аркаларда ва кузовнинг паст томони бўйлаб товуш ютувчи қўшимча материални ўрнатишга йўл қўйилмайди.

e) Османинг ҳолати, синов талабларига мувофиқ транспорт воситасини юклаш вақтида йўл тирқишининг аномал камайиши кузатилмайдиган тарзда бўлиши керак. Кузов сатҳини тартибга солиш тизимлари, агар бор бўлса, синовлар давомида юксиз ҳолатдаги транспорт воситаси учун нормал ҳисобланадиган йўл тирқишини таъминлаши керак.

2.4.4.2 Бегона шовқинларни олдини олиш бўйича тавсиялар

a) Транспорт воситаси чиқарадиган фон шовқинини ошишига ёрдам бериши мумкин бўлган, транспорт воситасидаги ҳар қандай элементларни демонтаж қилиниши ёки шаклини ўзгартирилиши тавсия этилади. Ҳар қандай демонтаж ёки шакл ўзгартирилиши синовлар баённомасида акс эттирилиши керак.

b) Синовлар давомида тормозлар блокировкадан чиқарилганлигига ва қўшимча шовқин вужудга келтирмаслигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

O'ZBEKISTON STANDARTLASHTIRISH AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

c) Совитувчи электр вентиляторлари ишга туширилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

d) Синов вақтида транспорт воситасининг ойналари ва томидаги туйнук ёпиқ бўлиши керак.

2.5 Шиналар

2.5.1 Умумий қоидалар

Синов транспорт воситасида тўртта бир хил шиналар ўрнатилиши керак. 121 дан ошадиган кўтариб туриш қобилияти индексига эга бўлган ва иккитадан ўрнатилишига нисбатан ҳеч қандай кўрсатмаларга эга бўлмаган шиналар ҳолатида, бир тур ва ўлчамдаги бундай шиналарнинг иккитаси синов транспорти воситасининг орқадаги ўқига ўрнатилиши керак; олдинги ўққа тегишли ўлчамдаги шиналар ўққа юкламани ва ейилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши керак, бунда хавфсизликнинг етарли даражасини сақлаб, шина ва йўл қопламаси орасидаги контактдан чиқадиган шовқин таъсирини минимумга қисқартириш учун протектор чуқурлиги минимал бўлади. Айрим келишувчи томонларда йўл қопламаси билан илашишни яхшилаш учун тишлар билан жиҳозланиши мумкин бўлган қишки шиналар бу жиҳозларсиз синалиши лозим. Ўрнатиш бўйича алоҳида кўрсатмалар назарда тутилган шиналар ушбу кўрсатмаларга (масалан, айланиш йўналиши) мувофиқ синалиши керак. Юргизиб синашни бошлашдан олдин шиналар протектори чуқурлиги максимал бўлиши керак.

Шиналар ишлаб чиқарувчи-завод томонидан маъқулланган тўғинларда синалиши керак.

2.5.2 Шиналарга юклама

Синов транспорт воситасининг ҳар бир шинаси учун Q_t синов юклама Q_r назорат юкламасининг 50-90 % ташкил қилиши керак, лекин барча шиналар учун $Q_{t\ avr}$ ўртача синов юкламаси Q_r назорат юкламасининг 75 ± 5 % ташкил қилиши керак.

Барча шиналар учун Q_r назорат юкламаси шинанинг кўтариб туриш қобилияти индекси учун кўзда тутилган максимал массага мувофиқ бўлади. Агар кўтариб туриш қобилияти индекси ётиқ чизиқ (/) билан бўлинган иккита сондан ташкил топса, ҳисоб биринчи сон бўйича амалга оширилади.

2.5.3 Шинадаги ички босим

Синов транспорт воситасида ўрнатилган ҳар бир шина P_r назорат босимидан ошмайдиган ва қуйидаги чегараларда ётадиган P_t синов босимига эга бўлиши керак:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

$$P_r \cdot \left(\frac{Q_t}{Q_r}\right)^{1,25} \leq P_t \leq 1,1 P_r \cdot \left(\frac{Q_t}{Q_r}\right)^{1,25}.$$

С2 ва С3 синфидаги шиналар учун шинанинг ён томонида ёзиб қўйилган босим индексига мувофиқ келувчи босим P_r назорат босими деб ҳисобланади.

С1 синфидаги шиналар учун "стандарт" шиналар ҳолатида P_r назорат босими 250 кПа га тенг ва "кучайтирилган" шиналар ҳолатида эса 290 кПа га тенг; P_t минимал синов босими 150 кПа ни ташкил этиши керак.

2.5.4 Синовларни бошлашдан олдин тайёргарчилик тадбирлари

Синовларни бошлашдан олдин протекторни куйиш жараёнида ҳосил бўладиган ғуддалар ва бошқа нотекисликларни йўқотиш учун шиналар "юргизиб синалади". Бундай юргизиб синашнинг давомийлиги одатда нормал йўл шароитларида тахминан 100 км эксплуатацияга мос келади.

Синов транспорт воситасида ўрнатилган шиналар юргазиб синаш вақтидаги каби ўша йўналишда айланиши керак.

Синовлар бошланишидан олдин шиналар синов шароитларида юргазиб синаш ёрдамида қиздирилиши керак.

3. Синов усули

3.1 Умумий шартлар

Барча ўлчашларни ўтказиш учун транспорт воситаси, транспорт воситасининг ўртача бўйлама текислиги CC' чизиғига имкони борича яқин жойлашган тарзда тўғри чизиқ бўйича ўлчаш участкаси (AA' - BB') бўйлаб кўчиши керак.

Синалаётган транспорт воситасининг олдинги тарафи AA' чизиғига етган вақтда транспорт воситасининг ҳайдовчиси узатмаларни ўзгартириш дастагини нейтрал ҳолатга қўйиши ва двигателни ўчириши керак. Агар ўлчаш вақтида синов транспорт воситасида аномал шовқин (масалан, вентилятор, ўт олдиришнинг ўз-ўзидан ишга тушиши) юзага келса, синов натижалари ҳисобга олинмайди.

3.2 Ўлчашларнинг тавсифи ва миқдори

AA' ва BB' чизиқлари орасида (1-расм – транспорт воситасининг олдинги томони AA' чизиғида, транспорт воситасининг орқа томони BB' чизиғида) транспорт воситасининг думалаб ҳаракат қилиши вақтида 0,1 гача аниқлик билан "A" (дБ (A)) шкала

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бўйича ўлчанган, децибелларда ифодаланган товушнинг максимал даражаси ўлчанади. Бу киймат ўлчаш натижасини ташкил этади.

Синалаётган транспорт воситасининг ҳар бир томонидан 4.1 бандда кўрсатиб ўтилган назорат тезлигидан ошмайдиган синов тезликларида ҳеч бўлмаса тўртта ўлчаш ва ушбу назорат тезлигидан ошадиган синов тезликларида ҳеч бўлмаса тўртта ўлчаш ўтказилиши керак. Бу тезликлар 3.3 бандда айтиб ўтилган тезликлар кўлами чегарасида тегишли тарзда бир маромда тақсимланган бўлиши керак.

3.3 Синов тезликлари кўлами

Синалаётган транспорт воситасининг тезликлари қуйидаги кўламда ётиши керак:

a) C1 ва C2 синфидаги шиналар учун 70 дан 90 км/с гача;

b) C3 синфидаги шиналар учун 60 дан 80 км/с гача.

4. Натижаларни шарҳлаш

Агар ёзиб қўйилган қийматлар (ушбу илованинг 2.3.2-бандига қ.) орасида нормал бўлмаган фарқлар қайд қилинса ўлчашлар натижалари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4.1 Синов натижасини аниқлаш

Энг сўнгги натижани аниқлаш учун фойдаланиладиган V_{ref} назорат тезлиги қуйидагиларни ташкил этади:

a) C1 ва C2 синфидаги шиналар учун 80 км/с;

b) C3 синфидаги шиналар учун 70 км/с.

4.2 Ғилдираш вақтида чиқадиган товуш даражасини ўлчашлар натижаларини регрессион таҳлил қилиш

Йўл қоплпмаси бўйлаб ғилдираш вақтида шина чиқарадиган товуш даражаси L_R қуйидаги формула бўйича регрессион таҳлил қилиш ёрдамида дБ (А) да аниқланади:

$$L_R = \overline{L} - a \cdot \overline{v},$$

бу ерда:

$\overline{L}$ - дБ (А) да ифодаланган, ғилдираш вақтида чиқадиган товуш даражаларининг ўртача қиймати L_i:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

$$\overline{L} = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n} L_i ,$$

n – ўлчашлар миқдори ($n \geq 16$),

$\overline{v}$ - V_i тезлик логарифмларининг ўртача қиймати:

$$\overline{v} = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n} v_i \quad \text{при} \quad v_i = \lg(V_i / V_{ref}),$$

a - дБ (А) даги регрессия чизиғи қиялиги:

$$a = \frac{\sum_{i=1}^{n}\left(v_i - \overline{v}\right)\left(L_i - \overline{L}\right)}{\sum_{i=1}^{n}\left(v_i - \overline{v}\right)^2}.$$

4.3 Температура коррекцияси

С1 ва С2 синфидаги шиналар учун энг охирги натижа қуйидаги формула бўйича температура коррекцияси ёрдамида ϑ_{ref} синов қопламасининг назорат температурасига келтирилиши керак:

$$L_R(\vartheta_{ref}) = L_R(\vartheta) + K(\vartheta_{ref} - \vartheta),$$

бу ерда ϑ = синов қопламасининг ўлчанган температураси,

ϑ = 20°С.

С1 синфидаги шиналар учун К коэффициенти $\vartheta > \vartheta_{ref}$. бўлганда 0,03 дБ (А)/°С ни, ва $\vartheta < \vartheta_{ref}$. бўлганда -0,06 дБ (А)/°С ни ташкил этади.

С2 синфидаги шиналар учун К коэффициенти -0,02 дБ (А)/°С ни ташкил этади.


Агар шиналарнинг бир комплектида товуш даражасини аниқлаш учун зарур бўлган барча ўлчашлар жараёнида синов қопламасининг ўлчанган температураси 5°С дан кўп бўлмаган чегараларда вариацияланса, ўлчанган температураларнинг ўртача арифметик қийматлари асосида, ғилдираш вақтида шина чиқарадиган товушнинг охирги қайд этилган даражаси учунгина юқорида кўрсатиб ўтилган температура коррекцияси амалга оширилиши мумкин. Қолган барча ҳолатларда товуш даражасини қайд қилиш вақтида температурадан фойдаланиш асосида товушнинг ҳар бир ўлчанган даражаси L_i учун коррекция амалга оширилиши керак.

С3 синфидаги шиналар учун температура коррекцияси амалга оширилмайди.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4.4 Ўлчаш асбобларининг кўрсаткичларида ҳар қандай ноаниқликларни ҳисобга олишни таъминлаш учун 4.3 – бандга мувофиқ олинадиган натижалар қийматлари 1 дБ (А) га камайиши керак.

4.5 Энг охирги натида - дБ (А) да ифодаланган $L_R(\vartheta_{ref})$ температура коррекцияси билан, ғилдираш вақтида шина чиқарадиган товуш даражаси энг яқин кичик бутун қийматгача яхлитланиши керак.



1-расм. Ўлчашларни ўтказиш учун микрофонларни жойлаштириш нуқталари

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3-илова – Қўшимча

СИНОВ БАЁННОМАСИ

1-қисм – Баённома

1. Расмий тасдиқлашни тақдим қиладиган лаёқатли орган ёки техник хизмат:

2. Талабнома берувчининг номи ва манзили:

3. Синов баённомаси №:

4. Ишлаб чиқарувчи-завод ва фабрика тамғаси ёки савдо белгиси:

5. Шина синфи (C1, C2 ёки C3):

6. Фойдаланиш тоифаси:

7. 3-илованинг 4.4 ва 4.5 бандларига биноан товуш даражаси: 70/80 км/с назорат тезлигида дБ(А)

8. Жоиз фикр-мулоҳазалар:

9. Сана:

10. Имзо:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2-кисм – Синовга тегишли маълумотлар

1. Синов санаси:

2. Синалаётган транспорт воситаси (марка, модель, йил, ўзгартишлар ва ҳ.к.):

2.1 Синалаётган транспорт воситасининг ғилдирак базаси: мм

3. Синов трекининг жойлашган жойи:

3.1 ISO 10844:1994 бўйича трекни сертификатлаштириш санаси:

3.2 Ким томонидан сертификатлаштирилган:

3.3 Сертификатлаштириш усули:

4. Шинани синаш маълумотлари:

4.1 Шина ўлчамининг белгиланиши:

4.2 Шинанинг эксплуатацион таърифи:

4.3 Шинадаги номинал ички босим: кПа

4.4 Синовга тегишли маълумотлар

	Олдинги чап томон	Олдинги ўнг томон	Оркадаги чап томон	Оркадаги ўнг томон
Синаш вактидаги масса (кг)				
Шинанинг кўтариб туриш кобилияти индекси (%)				
Ички босим (совук шинада) (кПа)				

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5-илова

ҲЎЛ ҚОПЛАМАЛАР БИЛАН ИЛАШИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎЛЧАШ УЧУН СИНОВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ

1. СИНОВНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1.1 Синов майдонининг тавсифлари

Синов майдони зич асфальт юзасига эга бўлиши керак, бунда унинг ҳар қандай йўналишдаги нишаби 2% дан ошмаслиги керак. Унинг қоплами эксплуатация муддати, таркиби ва ейилиш даражаси нуқтаи назаридан бир жинсли бўлиши керак ва унинг таркибида уваланиб кетадиган материаллар ёки бегона қатламлар бўлмаслиги керак. Парчаларнинг максимал ўлчами 10 мм ни (8-13 мм кўламдаги жойизлик билан), Е-965 АСТМ стандартига мувофиқ ўлчанган қум чуқурлиги - 0,7 ± 0,3 мм ни ташкил этиши керак.

Ҳўл майдонда устки ишқаланиш катталиги қуйида кўрсатиб ўтилган усуллардан бири ёки бошқаси ёрдамида аниқланади:

1.1.1 Синалаётган дастлабки стандарт шинадан (СДСШ) фойдаланишни назарда тутувчи усул

СДСШ ва 2.1-бандда баён этилган усулдан фойдаланиб синаш вақтида тормоз кучининг ўртача чўкки коэффициенти (pbfc) 0,6-0,8 ни ташкил қилиши керак. Ўлчанган қийматлар қуйидаги тарзда температура таъсирини ҳисобга олган ҳолда тўғриланади:

$$pbfc = pbfc\ (ўлчанган\ қиймат) + 0{,}003 \cdot 5(t - 20),$$

бу ерда "t" – майдон ҳўл қопламасининг Цельсий даражасидаги температураси.

Синов, ҳўл йўл қопламасида илашишни синаш давомида фойдаланиш учун назарда тутилган синов майдонининг ўша ҳаракат тасмалари ва узунлигидан фойдаланиб ўтказилади.

1.1.2 BPN ("British pendulum number") сонидан фойдаланишни назарда тутадиган усул (сирғанишга қаршилик қилиш кўрсаткичлари)

Синовлар ва материаллар бўйича Америка жамиятининг (АСТМ) 303-93 стандартида (1998 йилда тасдиқланган) кўрсатилган тартиб-таомилга мувофиқ ўлчанадиган ва Е 501-94 АСТМ стандартда кўрсатилган колодкадан фойдаланишни назарда тутувчи ҳўл майдоннинг BPN ўртача сони температура тўғрилангандан кейин 40-60 ни ташкил қилиши керак. Агар маятникни ишлаб чиқарувчининг тавсияларидан температурани

O`ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

тўғрилаш ҳақида тавсиялар кўрсатиб ўтилмаган бўлса, қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$BPN = BPN\ (ўлчанган\ қиймат) + 0{,}34 \cdot t - 0{,}0018 \cdot t^2 - 6{,}1,$$

бу ерда "t" - майдон ҳўл копламасининг Цельсий даражасидаги температураси.

Ҳўл йўл копламасида илашишни синаш давомида фойдаланиш учун мўлжалланган майдоннинг ҳаракат тасмаларида BPN ҳаракат тасмалари узунлиги бўйича 10 м интерваллар билан ўлчанади. BPN ҳар бир нуқтада беш марта ўлчанади, бунда BPN ўртача қийматларининг сочилиш коэффициенти 10 % га ошмаслиги керак.

1.1.3 Расмий тасдиқни тақдим этадиган орган синов баённомаларида бўлган маълумотлар асосида, синов майдонининг тавсифлари кўрсатмаларга мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилиши керак.

1.2 Намлаш шартлари

Юза, синов майдонининг ён томонидан ёки синалаётган транспорт воситаси ёки тиркамага ўрнатилган намлаш тизими ёрдамида намланиши мумкин.

Ён томондан намлаш тизимидан фойдаланиш вақтида, синов майдонининг юзаси унинг юзаси температураси сув температураси билан баравар бўлиши учун синовлар бошланишидан олдин энг камида ярим соат давомида намланади. Синов майдонининг ён томонидан намлашни бутун синов давомида тўхтовсиз амалга ошириш тавсия этилади.

Сув қатламининг қалинлиги 0,5-1,5 мм ни ташкил қилиши керак.

1.3 Шамол юзани намлаш жараёнига таъсир қилмаслиги керак (шамолдан ҳимояловчини ўрнатишга ижозат берилади).

Намланган юзанинг температураси 5-35°C ни ташкил этиши керак ва синов давомида 10°C дан кўпга ўзгармаслиги керак.

2. СИНОВ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ

Ҳўл йўл копламасида шина илашишининг солиштирма кўрсаткичи қуйидагилардан фойдаланиб аниқланади:

a) махсус белгиланган вазифали шинани баҳолаш учун тегишли тарзда жиҳозланган тиркама ёки транспорт воситаси,

b) оммавий ишлаб чиқариладиган йўловчи автомобиллар (Amend.4 асосида киритилган тузатишлар билан TRANS/WP.29/ 78/Rev.1/Amend.2 ҳужжатида бўлган

O`ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Транспорт воситаларининг тузилиши тўғрисида жамланган резолюциядаги (СР.3) таърифга мувофиқ M_1 тоифасидаги).

2.1 Махсус белгиланган вазифали шинани баҳолаш учун тегишли тарзда жиҳозланган тиркама ёки транспорт воситасидан фойдаланиш тартиб-таомили

2.1.1 Шинани баҳолаш учун тегишли тарзда жиҳозланган транспорт воситаси ёки шатакка олувчи транспорт воситаси билан бирга тиркама қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

2.1.1.1 Улар 67 км/с ни ташкил этадиган синов тезлигининг юқори чегарасидан ошадиган ҳолатда бўлиши ва тормоз кучлари таъсирининг максимал даражасида талаб этиладиган синов тезлигини 65 ± 2 км/с да сақлаши керак.

2.1.1.2 Улар, гидравлик тормоз ва агар қўллаб бўлса шатакка олувчи транспорт воситасидан бошқариш мумкин бўлган улаш тизими мавжуд бўлганда бир синов ҳолатини таъминлайдиган ўқ билан жиҳозланган бўлиши керак. Тормоз тизими, шина ўлчамлари ва синалиши лозим бўлган шинага юкламалар кўламида тормоз кучининг чўкки коэффициентига эришиш учун етарлича тормоз фурсатини таъминлаш ҳолатида бўлиши керак.

2.1.1.3 Улар бутун синов давомида бўйлама текисликда параллеллик ва перпендикулярликни, шунингдек шинага синов юкламаси шароитида олинган статистик қийматларга нисбатан ± 0,5° чегарада синаладиган шинали ғилдирак тўпламининг оғишини сақлай олиши керак.

2.1.1.4 Тиркама ҳолатида, шатакка олувчи транспорт воситаси ва тиркаманинг механик шатак қурилмаси шундай бўлиши керакки, шатакка олувчи транспорт воситаси ва тиркама уланган ҳолатда бўлган вақтда, шатак асбоби ёки тормоз кучини ўлчаш датчиги ўрнатилган тиркаманинг шатак асбобининг бир қисми параллел ҳолда ёки максимум 5° бурчак остида орқа томондан олд томонга йўналган қияликда жойлашган бўлсин. Ўқ чизиғидан тиркама қурилмасининг (асбоби) бирикма нуқтасигача тиркама ўқининг кўндаланг ўқ чизиғигача бўлган бўйлама масофа шатак баландлигидан камида ўн марта ошиши керак.

2.1.1.5 Синов майдонини намлаш тизими билан жиҳозланган транспорт воситалари ҳолатида, сув сепувчи механизмнинг форсункаси (форсункалари) шундай бўлиши керакки, юзага келувчи сувли юпқа қатлам кенглик бўйича шинанинг контакт юзаси чегарасидан камида 25 мм га чиқувчи бир хилдаги кесимга эга бўлиши керак. Форсунка (форсункалар) пастга 20-30° бурчак остида йўналган бўлиши ва синов майдонининг юзасига шинанинг контакт юзаси марказидан 250-450 мм масофада сувни сепиши керак. Форсунка (форсункалар) синов майдонининг юзасида ҳеч қандай тўсиқлар уларга таъсир қилмаслиги учун, 25 мм дан паст бўлмаган, лекин 100 мм дан юқори

O`ZBEKISTON MILLIY STANDARTLASHTIRISH VA DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH BOSHQARMASI

бўлмаган баландликда ўрнатилиши керак. Сув бериш тезлиги 0,5 мм - 1,5 мм қатлам қалинлигини таъминлаши ва бутун синов давомида ± 10 % чегарада доимий бўлиши керак. 65 км/с тезликда синаш учун сув узатишнинг ўзига хос тезлиги синов майдони намланган юзаси кенглигининг ҳар бир метрига 18 $лс^{-1}$ ни ташкил этади.

Тизим, шина ва шина олдидаги синов майдонининг юзаси тормоз бериш бошлангунча ва бутун синов давомида намланган бўлиши тарзида сувни бериш ҳолатида бўлиши керак.

2.1.2 Синаш тартиб-таомили

2.1.2.1 Синалаётган шина синов натижаларига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай молдинг бўртиқларидан ҳоли қилинади.

2.1.2.2 Синалаётган шина расмий тасдиқлаш талабномасида шина ишлаб чиқарувчиси томонидан кўрсатилган синов тўғинида монтаж қилинади ва СДСШ ҳамда стандарт юклама учун мўлжалланган шиналар ҳолатида 180 кПа гача, ёки кучайтирилган шина ёки оширилган кўтариб туриш қобилиятили шиналар ҳолатида 220 кПа гача дам берилади.

2.1.2.3 Шина синов майдонига яқин жойда минимум икки соат давомида, унинг температураси синов майдони зонасидаги ташқи температура даражасида барқарорлашиши учун сақлаб турилади. Шиналарни (шинани) бундай шароитларда сақлаб туриш жараёнида улар (у) тўғридан-тўғри тушадиган қуёш нурлари таъсирига учрамаслиги керак.

2.1.2.4 Шина қуйидаги юкламага учраши керак:

a) СДСШ ҳолатида 445 кг - 508 кг ва

b) ҳар қандай бошқа ҳолатдаги шинанинг юклама коэффициентига мос бўлган юкламанинг қийматидан 70-80 %.

2.1.2.5 Бошланишидан бирмунча вақт олдин синов майдони эксплуатация тавсифларини синаш дастури доирасида фойдаланилиши керак бўлган қисмида тормозлашнинг камида 10 та синовини ўтказиш орқали ишчи ҳолатга келтирилади, лекин бунда ушбу дастурда ишлатилмайдиган шинадан фойдаланилади.

2.1.2.6 Бевосита синашдан олдин шинадаги ҳаво босими текширилади ва зарур бўлганда 2.1.2.2 бандда келтирилган қийматларни ҳисобга олиб тўғриланади.

2.1.2.7 Синовлар бутун синаладиган ўтиш масофаси давомида ушбу чегараларда сақлаб туриладиган 63-67 км/с тезликда ўтказилади.

O`ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.1.2.8 Ҳаракат йўналиши синовларнинг ҳар бир сериясида бир хил бўлиши керак, ҳар бир синаладиган шина ҳолатида эса у эксплуатация тавсифлари солиштириладиган СДСШ учун бўлгандагидек каби бўлиши керак.

2.1.2.9 Йиғимдаги синалаётган ғилдиракнинг тормоз олиши 0,2 с - 0,5 с давомида тормоз тепкисига босиш вактида тормоз кучининг чўққи коэффициентига эришиладиган тарзда ишлаб чиқарилади.

2.1.2.10 Янги шина ҳолатида шинани ишчи ҳолатга келтириш учун иккита синов йўл босиши ўтказилади. Бу синовлар ёзиб олувчи жиҳознинг ишлашини текшириш учун ишлатилиши мумкин, лекин уларнинг натижалари эксплуатация тавсифларини баҳолашда ҳисобга олинмаслиги керак.

2.1.2.11 Ҳар қандай шинанинг СДСШ билан солиштиришдаги эксплуатация тавсифларини баҳолаш учун тормоз олиш синови синов майдонида худди ўша жойдан ва ўша ҳаракат тасмасидан бошлаб ўтказилиши керак.

2.1.2.12 Синовлар қуйидаги тартибда ўтказилади:

R1 - T - R2,

бу ерда:

R1 – СДСШнинг дастлабки синови, R2 – СДСШнинг такрорий синови ва Т – баҳоланиши лозим бўлган потенциал шинанинг синови;

СДСШни такрорий синашдан олдин потенциал шиналарнинг кўпи билан учта синови ўтказилиши мумкин, масалан:

R1 - T1 - T2 - T3 - R2.

2.1.2.13 Тормоз кучи чўққи коэффициентининг ўртача қиймати (pbfc) камида олтита синов натижаси асосида ҳисобланади.

Натижалар синалган деб ҳисобланиши учун, стандарт оғишни ўртача кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланадиган ва фоизларда ифодаланадиган сочилиш коэффициенти кўпи билан 5 % ни ташкил қилиши керак. Агар СДСШ ни такрорий синашлар натижасида бунга эришиб бўлмаса, потенциал шинани (шиналарни) баҳолаш натижалари ҳисобга олинмайди ва барча синовлар серияси қайтадан ўтказилади.

2.1.2.14 Синов йўл босишнинг ҳар бир сериясида учун pbfc ўртача қийматидан фойдаланиш:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Агар синов R1 – T – R2 тартибда ўтказилса, потенциал шинанинг эксплуатация тавсифларини солиштириш учун фойдаланилиши лозим бўлган СДСШ шинасининг pbfc кўрсаткичи қуйидаги тарзда ҳисобланади:

(R1 + R2)/2,

Бу ерда:

R1 – СДСШ синов йўл босишларининг биринчи серияси учун pbfc ўртача қиймати, R2 – СДСШ синов йўл босишларининг иккинчи серияси учун pbfc ўртача қиймати.

Агар синов R1 – T1 – T2 – R2 тартибда ўтказилса, СДСШнинг pbfc кўрсаткичи қуйидаги тарзда ҳисобланади:

2/3 R1 + 1/3 T1 потенциал шинаси билан солиштириш учун ва

1/3 R1 + 2/3 R2 T2 потенциал шинаси билан солиштириш учун.

Агар синов R1 – T1 – T2 – T3 – R2 тартибда ўтказилса, СДСШнинг pbfc кўрсаткичи қуйидаги тарзда ҳисобланади:

3/4 R1 + 1/4 R2 T1 потенциал шинаси билан солиштириш учун,

(R1 + R2)/2 T2 потенциал шинаси билан солиштириш учун ва

1/4 R1 + 3/4 R2 T3 потенциал шинаси билан солиштириш учун.

2.1.2.15 Ҳўл йўл копламаси билан илашиш коэффициенти (G) қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$= \frac{\text{Потенциал шинанинг pbfc}}{\text{СДСШнинг pbfc}}.$$

2.2 Стандарт транспорт воситасидан фойдаланишни назарда тутадиган тартиб-таомил

2.2.1 90 км/с минимал тезлик билан ҳаракат қила оладиган ва блокировкага қарши тормоз тизими (БҚТТ) билан жиҳозланган M_1 тоифасидаги стандарт транспорт воситасидан фойдаланилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.2.1.1 Транспорт воситаси қуйидаги ҳоллардан ташқари модификацияга учрамайди:

a) бу катта ўлчамдаги ғилдираклар ва шиналарни ўрнатиш учун талаб қилинганда,

b) бу ишчи тормозни механик (шу жумладан гидравлик, электрик ёки пневматик) бошқаришни таъминлаш учун талаб қилинганда. Бу тизим синов майдонида ёки унинг яқинида ўрнатиладиган қурилмалар томонидан бериладиган сигналлар ёрдамида автоматик тарзда бошқарилиши мумкин.

2.2.2 Синаш тартиб-таомили

2.2.2.1 Синалаётган шина синов натижаларига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай молдинг бўртиқларидан ҳоли қилинади.

2.2.2.2 Синалаётган шина расмий тасдиқлашга талабномада шинани ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатилган синаш тўғринида монтаж қилинади ва барча ҳолларда 220 кПа гача дам берилади.

2.2.2.3 Шина синов майдонига яқин жойда минимум икки соат давомида, унинг температураси синов майдони зонасидаги ташқи температура даражасида баркарорлашиши учун сақлаб турилади. Шиналарни (шинани) бундай шароитларда сақлаб туриш жараёнида улар (у) тўғридан-тўғри тушадиган қуёш нурлари таъсирига учрамаслиги керак.

2.2.2.4 Шинага статик юклама қуйидагича бўлиши керак:

a) СДСШ ҳолатида 381-572 кг ва

b) ҳар қандай бошқа ҳолатдаги шинанинг юклама коэффициентига мос бўлган юкламанинг қийматидан 60-90 %.

Битта ва ўша ўқдаги шинага юклама шундай тарзда вариацияланиши керакки, камроқ юкланган шинанинг қиймати кўпроқ юкланган шина қийматидан камида 90 % ни ташкил қилсин.

2.2.2.5 Синовлар бошланишидан бирмунча вакт олдин синов майдони эксплуатация тавсифларини синаш дастури доирасида фойдаланилиши керак бўлган қисмида 90 км/с дан 20 км/с гача тезлик билан тормозлашнинг камида 10 та синовини ўтказиш орқали ишчи ҳолатга келтирилади, лекин бунда ушбу дастурда ишлатилмайдиган шинадан фойдаланилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.2.2.6 Бевосита синашдан олдин шинадаги ҳаво босими текширилади ва зарур бўлганда 2.2.2.2 бандда келтирилган қийматларни ҳисобга олиб тўғриланади.

2.2.2.7 83-87 км/с чегарасидаги дастлабки тезликка эришиш учун ишчи тормоз тепкисига транспорт воситасининг барча ғилдиракларида БҚТТ ишга тушиши учун ва тезлик 80 км/с гача пасайгунча транспорт воситасининг барқарор секинлашишини таъминлаш учун етарли бўлган доимий куч билан босим берилади, ва кейин транспорт воситаси тўхтагунча ушбу куч билан таъсир кўрсатиш давом эттирилади.

Механик узатмалар қутиси ҳолатида сикилган уловчи механизм билан ва автоматик узатмалар қутиси ҳолатида алмашлаб улагич нейтрал вазиятда бўлганда тормоз беришни синаш ўтказилади.

2.2.2.8 Ҳаракат йўналиши синовларнинг ҳар бир сериясида бир хил бўлиши керак, ҳар бир синаладиган потенциал шина ҳолатида эса у эксплуатация тавсифлари солиштириладиган СДСШ учун бўлгандагидек каби бўлиши керак.

2.2.2.9 Янги шиналар ҳолатида уларни ишчи ҳолатга келтириш учун иккита синов йўл босиши ўтказилади. Бу синовлар ёзиб олувчи жиҳознинг ишлашини текшириш учун ишлатилиши мумкин, лекин уларнинг натижалари эксплуатация тавсифларини баҳолашда ҳисобга олинмаслиги керак.

2.2.2.10 Ҳар қандай шинанинг СДСШ билан солиштиришдаги эксплуатация тавсифларини баҳолаш учун тормоз олиш синови синов майдонида худди ўша жойдан ва ўша ҳаракат тасмасидан бошлаб ўтказилиши керак.

2.2.2.11 Синовлар қуйидаги тартибда ўтказилади:

R1 – T – R2,

Бу ерда:

R1 - СДСШнинг дастлабки синови, R2 – СДСШнинг такрорий синови ва T – баҳоланиши лозим бўлган потенциал шинанинг синови;

СДСШни такрорий синашдан олдин потенциал шиналарнинг кўпи билан учта синови ўтказилиши мумкин, масалан:

R1–T1 – T2 – T3 – R2.

2.2.2.12 80 км/с дан 20 км/с гача ўртача барқарор секинлашиш (mfdd) СДСШ ҳолатида камида учта синов натижалари бўйича ва потенциал шиналар ҳолатида олтита синов натижалари бўйича ҳисобланади.

O`ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Ўртача барқарор секинлашиш (mfdd) қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$mfdd = 231.48 / S,$$

бу ерда:

S – 80 км/с дан 20 км/с гача тезлик кўламида метрда ўлчанган тўхташ йўли.

Натижалар синалган деб ҳисобланиши учун, стандарт оғишни ўртача кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланадиган ва фоизларда ифодаланадиган сочилиш коэффициенти кўпи билан 3 % ни ташкил қилиши керак. Агар СДСШ ни такрорий синашлар натижасида бунга эришиб бўлмаса, потенциал шинани (шиналарни) баҳолаш натижалари ҳисобга олинмайди ва барча синовлар серияси қайтадан ўтказилади.

Ҳисобга олинган mfdd қийматларнинг ўртачаси синов йўл босиш сериясининг ҳар бири учун аниқланади.

2.2.2.13 Синов йўл босишнинг ҳар бир серияси учун mfdd ўртача қийматидан фойдаланиш.

Агар синов R1 – T – R2 тартибда ўтказилса, потенциал шинанинг эксплуатация тавсифларини солиштириш учун ишлатилиши лозим бўлган СДСШ шинасининг mfdd кўрсаткичи қуйидаги тарзда ҳисобга олинади:

$$(R1 + R2)/2,$$

Бу ерда:

R1 – СДСШнинг синов йўл босишининг биринчи серияси учун mfdd ўртача қиймати, R2 – СДСШнинг синов йўл босишининг иккинчи серияси учун mfdd ўртача қиймати.

Агар синов R1 – T1 – T2 – R2 тартибда ўтказилса, СДСШнинг mfdd кўрсаткичи қуйидаги тарзда ҳисобланади:

2/3 R1 + 1/3 R2 T1 потенциал шинаси билан солиштириш учун ва

1/3 R1 + 2/3 R2 T2 потенциал шинаси билан солиштириш учун.

Агар синов R1 – T1 – T2 – T3 – R2 тартибда ўтказилса, СДСШнинг mfdd кўрсаткичи қуйидаги тарзда ҳисобланади:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3/4 R1 + 1/4 R2 T1 потенциал шинаси билан солиштириш учун,

(R1 + R2)/2 T2 потенциал шинаси билан солиштириш учун ва

1/4 R1 + 3/4 R2 T3 потенциал шинаси билан солиштириш учун.

2.2.2.14 Ҳўл йўл копламаси билан илашиш коэффициенти (G) қуйидаги тарзда хисобланади:

$$= \frac{\text{Потенциал шинанинг mfdd ўртача қиймати}}{\text{СДСШнинг mfdd}}$$

2.2.2.15 Потенциал шиналар СДСШ ўрнатилган ўша транспорт воситасида ўрнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, масалан шина ўлчами, талаб этиладиган юкламани таъминлай олмаслик қобилияти ва ҳ.к. туфайли, солиштириш кейинчалик "назорат шиналари" деб аталувчи ораликдаги шиналардан ва иккита турли транспорт воситасидан фойдаланиб амалга оширилади. Бир транспорт воситаси СДСШ ва назорат шинасини ўрнатишга, бошқаси транспорт воситаси эса – назорат шинаси ва потенциал шинани ўрнатишга йўл қўйиши керак.

2.2.2.15.1 Назорат шинасини СДСШ (G1) билан солиштирганда ва потенциал шинани назорат шинаси (G2) билан солиштиргандаги ҳўл йўл қопламасида илашиш коэффициенти 2.2.2.1-2.2.2.15 бандларда баён этилган тартиб-таомил ёрдамида аниқланади.

СДСШ билан солиштирганда потенциал шинани ҳўл йўл қопламасида илашиш коэффициенти ушбу иккита коэффициент, яъни G1 x G2 ёрдамида аниқланади.

2.2.2.15.2 Синов майдони ва унинг муайян қисми барча синовлар учун бир хил бўлиши керак, ва ташқи шароитлар солиштиа олинадиган бўлиши керак, масалан намланган синов майдони юзасининг температураси ± 5°C чегарада бўлиши керак. Барча синовлар бир кун давомида ўтказилиши керак.

2.2.2.15.3 Назорат шиналарининг бир хил тўплами СДСШ ва потенциал шина билан солиштириш учун ишлатилиши керак ва ғилдиракларнинг ўша ҳолатларида ўрнатилиши керак.

2.2.2.15.4 Синовлар давомида ишлатилган назорат шиналари кейинчалик СДСШ учун мўлжалланган шароитларда, яъни АСТМ Е 1136 – 93 (1998 йилда тасдиқланган) стандарига мувофиқ сақланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.2.2.15.5 Агар СДСШ ва назорат шиналарида нормал бўлмаган ейилиш ёки бузилиш аломатлари бор бўлса ё агар уларнинг эксплуатация сифати ёмонлашган таассурот ҳосил бўлса уларни яроқсизга чиқариш керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N'ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5-илова – 1-қўшимча

СИНОВ БАЁННОМАСИ (Ҳўл юзада илашиш)

1-қисм - Баённома

1. Расмий тасдиқлашни тақдим қиладиган лаёқатли орган ёки техник хизмат:

2. Талабнома берувчининг номи ва манзили:

3. Синов баённомаси №:

4. Ишлаб чиқарувчи-завод ва фабрика тамғаси ёки савдо белгиси:

5. Шина синфи (C1, C2 ёки C3):

6. Фойдаланиш тоифаси:

7. 2.1.2.15 ёки 2.2.2.15-бандларга мувофиқ СДСШ билан солиштирганда ҳўл юзаларда илашиш коэффициенти:

8. Жоиз фикр-мулоҳазалар:

9. Сана:

10. Имзо:

2-қисм – Синовга тегишли маълумотлар

1. Синов санаси:

2. Синаладиган транспорт воситаси (тиркаманинг маркаси, модели, йили, модификациялари ва б. ёки идентификацияси):

3. Синов майдонининг жойлашган жойи:

3.1 Синов майдонининг тавсифлари:

3.2 Ким томонидан сертификатлаштирилган:

3.3 Сертификатлаштириш усули:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4. Синалаётган шина тўғрисида маълумотлар:

4.1 Шина ўлчамининг белгиланиши ва эксплуатацион таърифи:

4.2 Савдо тамғаси ва таърифи:

4.3 Номинал ички босим: кПа

4.4 Синовга тегишли маълумотлар:

Шина	СДСШ	Потенциал	Назорат
Шинага синов юкламаси (кг)			
Сув катламининг калинлиги (мм) (0,5 дан 1,5 мм гача)			
Намланган синов майдонининг ўртача температураси (°С) (5 дан 35°С гача)			

4.5 Синов тўғини кенглигининг коди:

4.6 Температурани ўлчаш датчигининг тури:

4.7 СДСШни идентификациялаш:

5. Синовнинг синалган натижалари:

Йўл босиш	Синов тезлиги (км/с)	Йўл босишнинг йўналиши	ДСШ	Потенциал шина	Назорат шинаси	Тормоз кучининг чўкки коэффициенти (pbfc)	Ўртача баркарор секинланиш (mfdd)	Ҳўл коплама билан шинанинг илашиш коэффициенти (G)	Фикр-мулохазалар

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N'ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMA'SI